

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ

**“МАДАНИЯТШУНОСЛИК” ФАНИДАН
БАКАЛАВРИАТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ УЧУН
ТАЙЁРЛАНГАН**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

ТЕРМИЗ - 2013

Маданиятшунослик фанидан тайёрланган мазкур маърузалар матни Фалсафа кафедрасининг 2013 йил 26 августдаги йиғилишида (1-сонли баённома), Тарих факультети Илмий Кенгашининг 2013 йил 28 августдаги 1-сонли қарори, Термиз давлат университети Илмий Кенгашининг 2013 йил 3 сентябрдаги 1-сонли қарорига кўра фойдаланишга тавсия этилган

Тузувчилар:

Расулов Х. – Сиёсий фанлар номзоди, доценти
Турдибоев Б. – Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси

Такризчилар:

Турсунов М. – Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти, фалсафа фанлари
номзоди
Раҳмонов А. – Фалсафа кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари
номзоди

©ТерДУ Фалсафа кафедраси, Термиз – 2013 йил

1-мавзу. Маданиятшунослик фанининг предмети ва вазифалари (2 соат)

Маъруза режаси

1. "Маданиятшунослик" фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.
2. "Маданият" тушунчасининг таърифи. Бу тушунча талқинига ёндошувларнинг хилма-хиллиги.
3. Маданиятнинг инсон ва жамият ҳаётида тутган ўрни.

Маданиятшунослик фанининг предмети – инсоният бунёд этган “иккинчи олам”, яъни маданият, унинг моҳияти ва ривожланиш қонуниятлари, асосий тамойиллари ҳамда ижтимоий вазифаларидир. **Бинобарин, маданиятшунослик фанининг асосий манбаи** – инсоният яратган барча маданий бойликлар, моддий ва маънавий қадриятлардир.

Маданиятшуносликнинг фан сифатидаги асосий вазифаси – инсоннинг табиат, жамият билан биргаликдаги фаолиятини ҳамда кишиларнинг моддий ва маънавий турмушига оид барча маданий жараёнларни тадқиқ этишдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, маданиятшунослик ўрганадиган асосий соҳаларни ва унинг тадқиқот объектини қуйидагича белгилаш мумкин:

- маданиятга оид назарий тушунчалар ва миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларининг юзага келиши;
- кишиларнинг муомала воситаси бўлган тилнинг ижтимоий жамиятдаги роли;
- жамият бойлиги ва мезони бўлган билимлар;
- инсоният яратган удумлар, урф–одатлар, халқ оғзаки ижоди, санъат ва адабиёт, динлар;
- ижтимоий муносабатлар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг усуллари, ижтимоий ташкилотлар ва уларнинг маданият ривожигаги ўрни;
- маросим, кундалик турмуш тарзидан ўрин олган анъаналар, оила, мулк;
- жамиятда содир бўлаётган ижтимоий–иқтисодий, сиёсий демографик, этник жараёнлар ва ҳ.к.

Маданиятшунослик умумназарий фан ҳисобланиб, инсоният ҳаётининг турли томонлари билан боғлиқ маданий тушунчаларни яхлит ҳолда бир тизим сифатида ўрганади.

Маданиятшунослик фанининг мақсади ўсиб келаётган ёш авлодни зиёлийлик руҳида тарбиялашдан иборат.

Маданиятшунослик фани “маданият” тушунчасини қўлланиш характерига қараб қуйидагича ўрганади: иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, турмуш, оила, гигиеник, кийиниш, хизмат кўрсатиш, муомала маданияти.

Маданиятшунослик атамаси инглизчада Culturology, Kulturologie деб юритилади. Ғарб олимларининг таъкидлашича, немис олими В.Оствальд

1913 йилда биринчи бор шу терминни қўллаган. Америкалик антрополог Лесли Уайт 1949 йилдаги мақолаларида ушбу терминни илмий ва методологик жиҳатлардан асослаб берган. Фақат XX асрнинг охиригача келиб бу илм соҳаси алоҳида фан сифатида шаклланди, ўз категориялари ва қонуниятлари, ўз структураси ва функцияларига эга бўлди.

Ўзбекистонда маданиятшунослик фани 90 – йиллардан кейин фаолият кўрсата бошлади, таълим тизимиغا киритилди, адабиётлар, ўқув-методик материаллар билан бойитилди.

Маданиятшунослик фанининг бўлимлари қуйидагича:

1. Маданият фалсафаси — маданиятдаги мураккаб ва кўп мақсадли жараёнларни таҳлил қилишда ёндашувнинг энг умумий тамойилларини намоён қилиб, қиёсий таҳлил, таснифлашга асосланади.

2. Маданиятнинг морфологияси (тузилиш) — инсонга боғлиқ бўлмаган ва жамиятда мустақил мавжуд бўлган маданиятнинг ўзига хос шакли унинг тадқиқот предмети ҳисобланади. **3. Маданият социологияси** — бирон бир жамиятдаги мавжуд маданиятнинг аниқ жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади; бу ҳар хил социологик ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган маданият жараёнини эмперик тадқиқ қилишдир.

4. Маданият тарихи — ҳар бир маданиятни ноёб ва бетакрор ҳодиса сифатида ўрганади; шунингдек, турли маданиятларни ўзаро таққослайди, уларнинг ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, замон ва макондаги уларнинг фарқларини, маданий тараққиётидаги ўзига хос ва умумий томонларни тадқиқ этади.

5. Маданият экологияси — инсон ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларини: инсоннинг индивидуал ҳаётини, жамият ҳаёти, табиат билан ўзаро муносабатларини қамраб олади. Бу маданиятшунослик тадқиқотидаги энг янги фаол ривожланаётган соҳалардан бири.

Маданиятшунослик фанининг диққат марказида инсон туради, зеро маданият - бу инсон яратган бойликдир.

Курснинг асосий масаласи бу инсон тўғрисидаги, унинг табиати ва имкониятлари ҳақидаги масаладир.

Ҳозирги замон **Маданиятшунослик** фани «маданият» тушунчасини қўлланишига қараб қуйидагича ўрганади:

- а) индивидуал - яъни алоҳида олинган бир шахс маданияти;
- б) ижтимоий гуруҳ маданияти - миллий, синфий, табақавий, касбий, oilавий маданият;
- в) минтақавий — маълум бир ҳудуд ва вақтда чекланмаган муайян типдаги маданияти;
- г) умуминсоний маданият.

“Маданият” тушунчаси турли тилларда турли сўзлар, жумладан инглиз тилида “culture”, рус тилида «культура» сўзлари билан аталади. Ўзбек тилидаги «маданият» сўзи араб тилидаги «мадина», яъни шаҳар сўзидан ясалган бўлиб, «шаҳарга хос», «шаҳарга оид» деган луғовий маънони беради.

Ғарбий мамлакатларда кенг ишлатиладиган «Культура» асли лотинча сўз бўлиб, дастлабки даврларда деҳқончиликка оид «ишлов бериш», «парвариш қилиш» деган маънони билдирган. Кейинчалик «маърифатли бўлиш», «тарбияли», «билимли бўлиш» мазмунида ишлатилган.

Маданият мустақиллиги. Маданиятнинг автономияси намоён бўлиши учун муайян даражада техниканинг ривожланиши ва меҳнатнинг ижтимоийлашувиغا эришиш талаб этилган.

Жамият ва маданият. Маданият — жамиятнинг маҳсули, ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим жабҳаларидан биридир. Маданиятсиз жамият бўлмаганидек, маданият ҳам жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди.

Маданият ва фаолият Ижтимоий тараққиёт фаолият билан маданиятнинг ўзаро муносабатларида ўзгаришларга олиб келади. Анъанавий ва индустриал жамиятларда инфор­мацион фаолият мустақил соҳани ташкил этган бўлса, «компьютер инқилоби» шароитида информациялар, билимлар ишлаб чиқарилиши, янги технологиялар яратиш алоҳида турдаги фаолият сифатида шаклланди, информация қимматбаҳо товарга айланди.

Маданият ва шахс нафақат мазмунан бир-бирига яқин бўлган, балки ички ва ташқи томонлари жиҳатидан ўзаро мос келувчи тушунчалардир. Шахс муайян маданий муҳитда яшайди ва фаолият кўрсатади.

Индивид билан маданият Инсонга ишчанлик, фидоийлик, матонат, ўтқир зеҳн билан бирга калтафаҳмлик, ялқовлик, шафқатсизлик, ўз манфаатларини тўғри тушуна олмаслик, ҳақиқий қадриятларни сохтасидан ажрата билмаслик иллатлари ҳам хосдир. Шунинг учун маданиятни нафақат қадрлаш ва сақлаш, балки танқидий ўрганиш талаб этилади.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-17 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
3. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни).-Т.: 2000.
4. Абдуллаев М.,Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма.-Т.: 2001.

Қўшимча

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга келажакка эътибор.-Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Очилдиев А.Маданият фалсафаси.-Т.: Муҳаррир, 2010.
4. Маврулов А. Маданият ва тафаккур ўзгаришлари. «Тошкен». 2004.
5. Раҳмонов Н., Б.Матбобоев. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий-рун ёзувлари. – “Тошкент”, 2006.
6. Назаров Қ. Аксиология: қадриятлар фалсафаси.-Т.: Маънавият, 1998.
7. Қорабоев У. Маданият масалалари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009.
8. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият.-Т.:”Маънавият”, 2002.
9. Маънавият юлдузлари.- Т.: А.Қодирий номидаги “Мерос”, 2001.
10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Т.: 2002.
11. Маннопов С. Ўзбек маданияти ва санъати тарихига бир назар.-Ф.,2006.
12. Жўраев Нарзулла. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т.: “Маънавият”, 2008.
13. Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият.-Т.: CHASHMA PRINT, 2008.

14. Ахмедов Э., Габидулин Р. Культурология. Мировая культура.-Т.: 2001.
15. Библиотека культуроведческой литературы на «Странах мира» - www.Countries.ru/library/.
16. WWW.moziy.dostlink.net.uz.
17. <http://www.pacademy.edu.b>.
18. www.google.uz.

2 – Мавзу. Маданий тараққиётнинг асосий қонуниятлари. Маданий тараққиёт ва маънавий мерос.

Маъруза режаси

1. Моддий ва маънавий маданият-маданиятнинг бир бутун икки соҳаси.
2. Шахс ва жамият ҳаётида маданиятнинг ўрни ва асосий функциялари.
3. Маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги.
4. Маданий мероснинг механизми. Маънавий ва маданий мероснинг узвийлиги.

Моддий ва маънавий маданият – маданиятнинг асосий икки соҳаси бўлиб, бир-бири билан ўзаро алоқада, ўзаро таъсирда ва бир-бирини таъказо қилган ҳолда амал қилади ва ривожланади. Моддий маданият ҳамиша маълум бир маънавий маданиятнинг тимсоли ҳисобланади. Ўз навбатида, маънавий маданият ҳам қайсидир нарса, белги, тасвир, рамзларда, моддий уйғунликда мужассам бўлади.

Моддий маданиятнинг биринчи катта соҳаси - бу меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришнинг барча воситалари, турар жойлар, алоқа, техника қурилмаларидир. Хуллас, сунъий шароитда яратилган нарсаларнинг барчаси шунингдек моддий маданиятнинг бу қисми ишлаб чиқариш техника маданияти ёки жамият ҳаётининг моддий техника асоси деб аталади.

Моддий маданиятнинг иккинчи соҳаси - ижтимоий ҳаёт ва унинг барча тармоқларининг меъёрий ҳаракатини таъминловчи кўплаб ижтимоий институтлар, ташкилот ва муассасалар фаолияти билан боғлиқ. Бу турли ҳокимият тузилмалари ва унга муносиб бошқарув шакллари, ижтимоий ташкилотлар, таълим, ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш, соғлиқни сақлаш ва дам олиш, бўш вақт ва кўнгил очиш муассасалари тизими каби барча ижтимоий институтлар амалда жамият маданиятини сақлайди, ўзгартиради ва қайта шакллантиради.

Моддий маданиятнинг учинчи соҳаси (ишлаб чиқарувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи) инсоннинг ўзи ҳисобланади. Моддий маданиятнинг бу соҳаси инсоннинг табиий, яъни биологик ҳамда ижтимоий, социал мавжудотлик муаммоларини ўз ичига олади. Шу билан бирга турли авлодлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бундаги муаммолар ҳам шу соҳага тааллуқли бўлиб ҳисобланади.

Умуман, моддий маданиятга меҳнат маданияти, ишлаб чиқариш маданияти, турмуш маданияти, экологик маданиятлар киради. Ишлаб чиқариш

воситалари моддий маданиятнинг муҳим қисмидир. Замонавий техника ютуқлари жамият моддий маданияти асосини белгиловчи жиҳатдир.

Цивилизация ижтимоий ва моддий маданият тараққиёти босқичини билдириб, маданиятнинг турдош номидир. Ҳозирги даврда цивилизация инсониятга бегона бўлган объектларни қайта ўзгартиришни билдиради, маданият эса инсоннинг фазилати ва ҳолати, ташқи дунёга боғлиқлиги ёки эркинлигининг мезонидир.

Маънавий маданият анча илгаритдан ўрганила бошланган. Инсоният тарихининг бошларидан кишилар маънавий маданиятни белгилашга, унинг шаклланиш сабабларини аниқланишга, маънавий бойлик ижодкори ва яратувчилари қандай сифатларга эга бўлишлари кераклиги ва маънавий ижодкорлик жараёнини тушунтиришга уринганлар. Илгари мавжуд бўлмаган маданият ҳодисасини вужудга келтиришга хизмат қилувчи ижодий кучлар фаолиятида ҳаёлот, фантазияга берилиш муҳим ўрин тутди.

Маънавий фаолиятнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, улар бир карашда ўзига мустақил кўринади. Бироқ уларнинг барчаси бир бутун маънавиятнинг таркибий қисмлари, элементларидир. Фан, дин, фалсафа, санъат, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, мафкура, миллий ўзлик маънавий маданиятнинг муайян шакллари ҳисобланади.

Маданиятнинг асосий функциялари қуйидагилардир:

1) Олами ўзлаштириш ва қайта ўзгартириш функцияси.: инсоннинг дунёни билиш, мақсад-манфаатига мос ўрганиш эҳтиёжи ижоддаги ҳаётий талабларини қондириш зарурати билан боғлиқ.

2) Ҳимоя-мослашув вазифаси: жамият ва атроф-муҳит ўртасидаги мувофиқликни сақлаш.

3) Сигнификатив функция (белгилаш, рўйхатга олиш мазмунида):- мазмун, маъно, ном, белгилар кўламини ишлаб чиқиш воситасида дунёнинг қиёфаси, воқеликнинг белгилари тизимини (рақам, ёзув) яратади.

4) Ахборотларни ўзлаштириш ва йиғиш функцияси хабарларни йиғиш ва сақлаш воситаси табиий хотира ёки хабарларни нарсаларга ёзиш (кўлёзмалар, картиналар, пластинкалар, китоблар, кинотасмалар, магнит тасмалари ёки рақамли ёзувлар) бўлиши мумкин.

5) Коммуникатив функция (алоқа алмашув) - моҳиятни аниқлашда билимлар, фикрлар, маънавий кучларни алмашлаш. Ижтимоий ҳаёт доимий равишда энергия, ахборот, ўзаро амалий ҳамкорликни тақозо қилади.

6) Нормативийлик функция (мезон-меъёрий) - кишилар ҳулқини тартибга солиш, уларнинг кучини бир меъёрда ва жамиятни бир бутунликда сақлаш мақсадида мувофиқлаштириш.

7) Руҳий ёки «лойиҳавий» мўътадиллик яратиш функцияси - байрамлар, диний маросимлар, ўйин, томоша жараёнларида руҳий зўриқишларни бартараф қилиш.

Маданиятнинг қуйидаги функциялари бевосита шахс билан боғлиқ:

— **Гоминизация** — уруғдошлик хусусиятларини ўрганиш. Маданият Homo sapiens, яъни ҳозирги «ақлли одам» учун хос бўлган - нутқ, нарсаларни

рамзий ифодалаш (ёки мавҳум тафаккур) хусусиятларини ҳар бир одам ўрганиши учун имкон яратади.

— **Социализация** — (ижтимоийлашув) - жамият ҳаёти учун унинг ҳақиқий аъзоси сифатида зарур ҳисобланган маълум миқдордаги талабларни ўзлаштириш. Бу функция идрок, тафаккур, нутқ, сўзларни қўлланилиши, оҳанги, имо-ишора ва шама, типик ҳодисаларга муносабат тарзи, шунингдек, талаб ва қадрият йўналишлари тизимини шакллантириш каби андозавий усулларнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқ.

— **Инкультурация** — аввало ўз халқининг, кейин эса умуминсоний маданий мероснинг ўзлаштирилиши, буларни эгаллаш, яъни маданийлашиш жарёни.

— **Индивидуализация** - маданият маълум шахслар қобилияти, иқтидори, хусусиятини ўта ривожлантиришга мўлжалланган.

Шахс маданиятининг шаклланишида жамият маданиятининг қуйидаги тизимлари аҳамиятлидир:

Сиёсий маданият - кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифодаловчи сиёсий - ҳуқуқий ҳолатлар мажмуи бўлиб, маънавий қадриятларнинг махсус тизимини ташкил қилади.

Сиёсий маданият тараққиёти ҳуқуқий маданият билан боғлиқ бўлиб, бу фақат қонунларни билиш, ҳуқуқий савиядангина иборат бўлмай, қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир.

Иқтисодий маданият - тушунчасида иқтисодий билимлар ва фикрлар услуби билан фаол ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик омиллари намоён бўлади.

Ахлоқий маданият - жамият, социум, индивидлар томонидан ахлоқий камолат меъёрларига эришиш даражасидир.

Эстетик маданият - инсоннинг маънавий-хиссий фаолияти билан боғланган муносабат ва қадриятлар тизимини ифодалайди.

Маданият тизимида фан моддий ва маънавий маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсули сифатида ўзида инсоннинг мохиятли кучларини ифода этиади. **Маданият тизимида дин** инсоннинг имон-эътиқод рамзи, охират ва ҳаёт тасаввурларининг маънавий ва моддий ифодаси сифатида намоён бўлишидир.

Қадрият - кишилар ҳаётида ўта аҳамиятли ҳодисадир. Уни маданият соҳалари рўёбга чиқарган ҳодисалар билан боғлиқликда англаш мумкин. Шунда ҳўжалик, техник, ижтимоий, сиёсий, бадий, илмий, ахлоқий қадриятлар ажралади.

Қадриятлар ичида энг асосийси ва умумийси ҳаётдир. Демак, **Қадрият** - дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим.

Қадриятлар турлари: Шахсий, касбий, маҳаллий, миллий, теортария ёки минтақавий, умуминсоний.

Иқкинчидан, Ворислик - маданий тараққиётнинг асосий қонунидир. Ворислик - узлуксизлик, давомийлик, тадрижийлик демакдир.

Учинчидан, Эволюцион, тадрижий ривожланиш - маданият тараққиётининг яна бир муҳим қонуниятидир.

Маданий мерос – замон, макон чегараларини билмайди. Демак, мерос – тарихий ҳодиса. **Маданий мерос** - бу ўтмишдан қолган қадриятлар, ғоялар, тажриба, билимлар, уларни ўзлаштириш йўллари, яъни кишиларнинг ижодий фаолият усуллари ва уни ташкил қилиш ҳамда унинг натижалардир.

Маданий мероснинг механизми қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Маънавий мероснинг узвийлиги. Аждодлар яратган жами бойликка янги авлод меросхўр бўлади, тарихий аҳамиятини йўқотган маданият ўрнида яна маданиятлар вужудга келади, аввалгилардан кўп нарсалар ўзлаштирилади.

2. Ўтмишдан келажакка ўтиш жараёнида мероснинг ўзгариши. Маданий мероснинг ўтиш даврида хусусияти ўзгариши мумкин.

3. Ўтмишдан қолган барча нарсалар бутунлай ўзлаштирилмайди, балки янги давр талабига, руҳига жавоб берувчи, моҳиятан зарур нарсаларгина олинади.

Мустақиллик йилларида халққа унинг маънавий ва маданий бойликларини қайтариш борасида кўплаб ишлар қилинди. Ўтган йилларда Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Камолиддин Бехзод, Аҳмад Фарғоний, Марғилоний юбилейлари нишонланди. Ўзбекистон ўзининг бой маданий анъаналари ва жаҳон маданияти жараёнларидаги фаол иштироки туфайли унинг халқаро миқёсдаги мавқеи тобора ошмоқда. Бунинг яққол мисоли 1997 йилда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ижроия кенгаши аъзолигига сайланиши ва 1998й. ноябрда Тошкентда ЮНЕСКО ижроия кенгашининг 155 сессиясини ўтказилишидир. Демак, **маданият, маданий тараққиёт – ворислик қонуният**и асосида мерос билан боғлиқ. Мерос – бугунни ўтмиш ва келажак билан боғловчи ҳалқа.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-17 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитда уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: Ўзбекистон, 2009.
4. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни).-Т.: 2000.
5. Абдуллаев М.,Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма.-Т.: 2001.

Қўшимча

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга келажакка эътибор.-Т.: Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш.-Т.: Ўзбекистон, 2009
4. Очилдиев А.Маданият фалсафаси.-Т.: Муҳаррир, 2010.
5. Қорабоев У. Маданият масалалари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009.
6. Жабборов И., Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти.-Т.: Фан, 2003.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Т.: 2002.

8. Табиат, жамият, маънавият.-Т.: Ўзбекистон, 2009.
9. Жўраев Нарзулла. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т.: “Маънавият”, 2008.
10. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар.-Т.: Ўқитувчи, 1994.
11. Ахмедов Э., Габидулин Р. Культурология. Мировая культура.-Т.: 2001.
12. Библиотека культуроведческой литературы на «Странах мира» - www.Countries.ru/library/.
13. Соатов Г. Маданиятшунослик. –Қарши. 2000.
14. Бобоев Х., Ҳамроев Т., Алимасов В. Маданиятшунослик. (Ўқув қўлланма).-Т.: "Янги аср авлоди", 2001.
15. Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият.-Т.: CHASHMA PRINT, 2008.
16. Ахмедов Э., Габидулин Р. Культурология. Мировая культура.-Т.: 2001.
17. Маърифат журнали - www.ma'rifat-inform.
18. Жамият ва бошқарув журнали - www.rzult-academy-freenet.uz.
19. Мозийдан садо журнали - www.moziy-dostlink.Net
20. www.mfa.uz.
21. www.press-service.uz.
22. www.literature.uz.

4-мавзу. Ибтидоий маданият Маъруза режаси

1. Архаик (ибтидоий) маданиятнинг асосий намуналари.
2. Ибтидоий даврда санъат, оғзаки ижод, маданий фаолият ва дунёқараш..
3. Миф ва маросимларнинг ибтидоий маданий ҳаётдаги ўрни ва роли.
4. Жез даврида янги турдаги маданиятни шаклланиши.

Маданият тасодифан пайдо бўлган эмас, балки у турли билимлар мажмуидан, ишонч-этиқодлардан, санъатнинг барча кўринишларидан, жамиятдаги ахлоқий тамойиллар, қонун - қоидалардан, урф - одатлардан ташкил топади. Маданий турмуш анча илғор шароитига етишган босқич кўпинча “цивилизация” деган ном билан ҳам юритилади. Аммо маданият ва цивилизация айнан бир-бирига тенг тушунча эмас. Цивилизация кўпроқ моддий маданиятга, меҳнат қуроллари ва ишлаб чиқариш унумдорлиги, жамият ва давлатни бошқарувчи қонунлар ривожига нисбатан қўлланади.

Архаик ёки ибтидоий маданият-мавжуд инсоният маданиятни ибтидои ва энг узоқ давом этган даври бўлиб, бу инсоният тарихини умумий кўламини 99 фоизини ташкил қилади. Айни дамда замонавий маданиятга бекиёс таъсир кўрсатиб келмоқда. Ўша вақтда вужудга келган фикрлаш тарзи, феъл-атвор, айрим урф-одатлар, рам-русумлар ҳозиргача йўқолган эмас. Бу давр маданиятини ўрганишда асосан антиропология ва археология, этнографик маълумотларга таяниш маълум бир илмий хулосалар чиқариш имкониятини яратади. Албатта, ибтидоий босқичдаги маданият ривожининг тўлиқ қиёфасини қайта тиклаш, тасаввур қилиш ўта қийин вазифа. Умум қабул қилган таснифга асосан бу даврни:

1. Палеолит-қадимги тош асри.
2. Неолит-янги тош асри бўлиб ўрганмиз.

Тош асрининг даври бундан 2,6 млн.йилдан (кениянинг Рудоль кўли соҳилидан топилган қадимги тош қуроллари) то эраизгача 2 минг йилгача (меҳнат қуроллари жездан тайёрлана бошлаган давргача) бўлган улкан вақт оралиғини ўз ичига олади.

Децентризм фарази инсоният пайдо бўлишини икки ўчоғи африка ва Осиё билан боғлайди. Зеро, энг қадимги одам қолдиғи Африкадан топилган. Африкадаги Мустьер маданий босқичи энг қадимги деб эътироф этилган.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида қазиб топилган гоминидлар ҳам илк палеолит даврига оид. Археолог У.Исмоилов Селенгур ғоридан топган "фергантроп" қолдиғининг ёши 700 минг йилга тенг.

1932 йили академик А.П.Окладников бошчилигидаги Термиз экспедицияси Бойсун тоғидаги Тешиктош ғоридан Мустье маданиятига¹ оид ашёларни топдилар. Топилмалар орасида одамнинг боши, тана аъзолари, суяклари диққатга сазовор эди. Суяклар жой – жойига қўйиб тикланди. Натижада 9 – 10 ёшли боланинг скелети ҳосил бўлди. Бу скелет Европа, Осиё ва Африкадаги Мустье даврига оид неандертал одам тоифасига мансублиги маълум бўлди.

Мустье маданиятига оид мазкур босқич Селенгур маданиятидан бир оз кейинроқ - тош даврининг 800 - 700 минг йилликларига оиддир.

Мустьер маданияти кенгроқ тарқалган бўлиб, дунёнинг бошқа жойларида ҳам учрайди. Жумладан, 1952 йили Қримда Боғчасарой ёнида 1,5 - 2 ёшли боланинг бош суяги топилди. Мана шу топилмадан бошлаб Мустьер маданияти деган термин маданий тушунча сифатида кириб келди.

Ўрта Осиё минтақаси ҳамма даврда ҳам маданий обидаларга бойлиги жиҳатидан дунё маданияти тарихида алоҳида ажралиб туради. Маданий қатламлардаги узлуксизлик Ўрта Осиё маданиятида янги, такрорланмас обидаларни яратишга сабаб бўлди. Инсониятнинг бадиий тафаккури чексиз имкониятларга эгалигини ҳам айнан Ўрта Осиёдан топилган маданий обидаларда кўрамиз. Ўзбекистоннинг жанубида - Кўхитанг тоғларида ҳозирда ҳам инсон оёғи кам етиб борган жойлар мавжуд. Мана шундай жойлардан бири тоғдаги Зариўтсой бўйидаги ғорлардир.

Скифлар маданияти. Скифлар милoddан олдинги VII асрларда тарих сахнасига чиқдилар. Скифлар тарихи, уларнинг турмуш тарзи, ҳарбий санъати ва бошқа кўплаб моддий ва маънавий ҳаётига оид қарашлар турли-тумандир. Гоҳ Жанубий Россия, гоҳ Шимолий Кавказ, гоҳ Ўрта Осиёга нисбат берилаётган скифларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ қарашлар бугунги кунга келиб ўзгариб бормоқда.

Жумладан, машҳур археолог С.П.Толстовнинг айтишича, илк инсон Қаюмарснинг танаси ярми инсон, ярми ҳўкиздан иборат бўлган экан. Антик давр маданиятига оид тасвирларда учрайдиган жонзотлар - от, туя, тоғ эчкиси, хатто илон, балиқ ҳам қанотли шаклда таввирланган. Қадимги Шарқда, Кичик Осиёда бундай санъат намуналари кўп учрайди. Қадимги

¹ 1952 йили А. Фармозов Боғчасарой яқинида ибтидоий одам яшаган манзил топди. Мустьер маданияти деган ном ўша жойнинг номидан олинган.

Шарқ халқларининг бадий ва илмий тафаккурини бирлаштирадиган омиллардан бири ана шу ҳайвонот услубидир. Хет, Бобил, Оссурия, Тадмур каби Шарқдаги энг қадимий давлатларда мажусийлик маҳсули сифатида ҳайвон ва қушлар тасвирини яшаш удум бўлган эди.

Оссурия, Бобил, Урарту давлатларида шаклланган санъат асарлари билан Марказий Осиёдаги санъат асарлари ўртасида уйғунлик бор.

Туркий қавмлар ота-боболарининг дафн одатлари тўғрисида Хитой йилномаларида ёзиб қолдирганлар. Хунлар ҳам, скифлар сингари, марҳум учун аза тутаётганларида, қон кўз ёшлари билан аралашиб оқиши учун юзларини тилганлар. Турк хоқонлигида лашкарбоши Култегин вафот этганда (VIII аср), аза маросимида иштирок этиш учун Хитой элчиси Лу Син бошчилигида 500 одам келади. Улар дафн маросимига олтин, қумуш, хушбўй тутатқилар олиб келадилар. Марҳум учун йиғлаб, сочларини юлганлар, кулоқларини кесганлар, энг яхши отларини қурбонлик қилганлар².

Ибтидоий фикрлаш босқичида тасвирий санъатда рамзий тимсоллар кўп. Зарийтсойнинг ўрта қисмида туртиб чиққан “айвон”даги суратлар бу жиҳатдан диққатга сазовор. Бу ерда ов манзараси тасвирланган. Бир лавҳада овчилар ҳайвон терисини ёпиниб олиб, ёввойи тўнғизларни пойлаб турибдилар. Одамларнинг қўлларида ўқ-ёй, болта, ўроқсимон қурол, палахмон бор.

Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудларида, хусусан, туркий қавмлар яшайдиган ҳудудларда - Мўғулистон, Олтой, Тува, Хакасия каби қатор ҳудудларда ҳам тарихий-маданий жараённинг умумийлиги ва узлуксизлигини кузатиш мумкин. Бу жойлардаги маданий жараён Шарқ маданий жараёнидан ажралмаган, барча кўҳна Шарқ маданиятининг хусусиятларини ўзида мужассамлантиради. Бу жараён шуни кўрсатадики, Шарқ халқлари маданияти яхлит маданиятдир.

Ибтидоий билм тажрибаларни тўплаш, кузатиш асосида шаклланиб борган...

Ўрта Осиё ва жаҳон маданияти босқичлари. Ўрта Осиё ҳудудидаги маданий жараён дунё маданиятидан ажралмаган ҳолда шаклланди. Юқорида Селенгур маданияти ва Мусьтир маданиятининг Ўзбекистон ҳудудида амал қилгани тўғрисида қисқача айтиб ўтдик. Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган ва узоқ яшаган маданий босқичлардан бири Калтаминор маданиятидир.

Жонбос қалъанинг ҳажмига асосланиб, бу қалъада 100 – 120 кишидан иборат бир қабила истиқомат қилган, деб тахмин қилиш мумкин. Қалъанинг ўртасида олов ёниб турадиган ўчоқ бўлган. Чамаси, ўчоқдаги олов ҳеч қачон ўчмаган, бу олов муқаддас ҳисобланган. Олов ёнида қабила бошлиғи ўтирган. Муқаддас олов ўтроқ ҳаёт турмуш шароитини белгиловчи омил бўлган. Ҳар бир оиланинг овқат пиширадиган ўчоғи бўлган. Оила қурмаган йигитлар учун ҳам алоҳида жой бўлиб, қишда совуқдан, ёзда иссиқдан паноҳ топганлар. Қалъада суяк ва тошдан ишланган қуроллар, маржонлар, бошқа тақинчоқлар, идиш – товоқлар ҳам топилган. Бу ердаги инсонларнинг яшаш

² Қаранг: Заур Гасанов. Юқоридаги асар, 258-бет.

тарзи, деҳқончилик ва овчилик маданияти тўғрисида мазкур ёдгорликлар маълумот беради.

Калтаминор маданияти бошқа ҳудудлардаги маданиятга таъсир кўрсатди. Неолит ва энеолит даврига оид шимол - шарқий Европадаги, Урал бўйи ва Жанубий Ғарбий Сибирдаги маданий ёдгорликлар шундан далолат беради. Жумладан, Об дарёсининг қуйи томонларидан топилган қароргоҳдаги ёдгорликларнинг кўрсатишича, аҳолининг асосий машғулоти овчилик ва балиқчилик бўлган. Бу турмуш тарзига шубҳасиз Калтаминор маданияти ўз таъсирини ўтказган.

Умуман олганда, Иссиқдан топилган ашёлар ҳам Ўрта Осиёда мавжуд бўлган турли маданий босқичларнинг давоми бўлиб, энеолит даврининг маҳсулидир. Янги металл буюмлар, аниқроғи, олтиндан буюмлар ясаш пайдо бўлди. Шарқда, хусусан, Исроилда олтин буюмлар, тақинчоқлардан фойдаланиш Мусо пайғамбар давридан олдин бошланган эди. Шарқ халқларининг маданий турмуш соҳасидаги бир -бирларига таъсир этиш жараёни ўша даврлардан бошланган эди, деб айтиш мумкин. Мусо пайғамбар ўз қавмини Мисрдан олиб чиқаётганда тилла буюмлар ва тақинчоқларни яшрин олиб кетишлари бежиз эмас эди.

Маданий босқичлар тўғрисида сўз кетганда, шуни назарда тутиш керакки, тарихий давр билан маданий босқичлар бир-бирига боғлиқ ва доимо бир – бирини тўлдиради. Қуйидаги жадвал маданий босқичлар ва тарихий даврларнинг алоқаси тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилади. Мазкур маданий босқичлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб европалик Габриэль Мартилье, Анри Бреаль, Эдгар Пьет каби олимлар томонидан ишлаб чиқилди.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-17 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
3. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, Ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни).-Т.: 2000.
4. Абдуллаев М.,Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. Ўқув кўлланма.-Т.: 2001.
5. Бобоев Ҳ., Ҳамроев Т., Алимасов В. Маданиятшунослик. (Ўқув кўлланма).-Т.: "Янги аср авлоди", 2001.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Абдуҳаликов С. Маданият тарихи ва унинг асосий масаласи.-Т, Фан, 1992.
3. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Т., 1982.
4. Ўзбекистон халқлари тарихи.1-қисм.-Т., 1992.
5. Маннопов С. Ўзбек адабиёти тарихи ва санъати тарихига бир назар.-Ф, 2006..
6. Қорабоев У. Маданият масалалари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Т.: 2002.
8. Қадимги дунё тарихи. –Т.: Ўқитувчи., 2008.
9. Жўраев Нарзулла. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т.: “Маънавият”, 2008.
10. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар.-Т.: Ўқитувчи,1994.
11. Эркаев А. Миллий ғоя ва маънавият.-Т.:”Маънавият” 2002.
12. Ўзбекистон Республикаси энциклопедия. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.

13. Тайлор Э. Первобктная культура.-М.,1992.
14. Жабборов И. Ўзбек халки этнографияси. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
15. Хомидов Х. “Авесто” файзлари.-Т.: “Мерос”, 2001.
16. Древние цивилизации.М.1989 г.
17. Хрестоматия по культурологии. (под редакцией А.А.Радугина) М.: "Центр" 1998 г.
18. Библиотека культуроведческой литературы на «Странах мира» - www.Countries.ru/library/.
19. WWW.moziy.dostlink.net.uz.
20. <http://www.pacademy.edu.b>.
21. www.google.uz.

5-мавзу. АНЪАНАВИЙ МАДАНИЯТ

Семинар режаси

1. Қадимги Шарқдаги йирик маданиятлар: Миср, Месопотамия, Ҳинд ва Хитой ўзига хос қиёфаси.
2. Қадимги Шарқликлар тафаккури ва дунёқарашининг ўзига хослиги.
3. Қадимги Месопотамия, Миср , Ҳиндин, Хитой маданиятининг ютуқлари.
4. Антик маданиятнинг жаҳон маданиятидаги ўрни ва унинг пластик хусусиятлари.

МИСР МАДАНИЯТИ

Илк цивилизация Осиё ва Африканинг қуруқ тропик ҳудудларидаги дарё бўйларида пайдо бўлган. Булардан энг қадимийси сифатида *қадимги Миср цивилизацияси* эътироф этилган.

Дастлабки Миср давлати қирқта шаҳар давлатдан иборат бўлган эди. Тахминан мил.ол. III минг йилликда ягона давлат ташкил топди. Мил.ол. XVI-XV асрларда қадимги Миср ғаройиб равишда гулаб-яшнади. Миср ҳудудида инсониятнинг илк ҳаёти излари мил.ол. ўнинчи минг йилликларга оиддир. Мил. ол.олтинчи - бешинчи минг йилликларда инсон ўтроқ яшагани кузатилади. Тадқиқотчиларнинг радиоуглерод усули билан аниқлашларича, Фаюм водийсида дон сақлайдиган чуқурликлар бўлиб, милoddан олдинги 4600-4300 йилларга оид экан. Одамлар бу водийда чўчка, қорамол, қўй ва эчки боққанлар, буғдой ва арпа экканлар. Тахминан мил. ол. 3100 йилларда иккита йирик шоҳлик – Қуйи Миср (Нил дарёси дельтасида) ва Юқори Миср (Нил дельтасидан Элфантингача бўлган жойлар) пайдо бўлди. Инсон бу ерда илк бор ёзувни яратди, иншоотларни, шаҳарларни барпо қилди, деҳқончиликни ривожлантирди, давлат барқарор бўла бошлади.

Мисрликлар мукамал календарни ишлаб чиқдилар. Уларнинг календари бўйича, йил 365 кундан иборат эди. Мисрда календарнинг жорий қилинган астрономиянинг ривожланганидан далолат беради. Мисрликларнинг айтишларича, мамлакатнинг шаклий тузилиши маълум фазовий қонуниятларга асосланган экан, қачонлардир худолар фазони яратганларида, биринчи бўлиб Мисрни, кейин оламдаги бошқа мамлакатларни барпо қилган экан.

Одамларнинг ҳаёти кўп жихатдан Нилга боғлиқ эди. Шунинг учун жамият ҳаёти изчил йўлга қўйилди, сув омборлари ва каналлари режалаштирилган ҳолда қурилди, яхши сақланди.

Қадимги Мисрда 4000 худо бўлган экан. Меъморлар, ҳайкалтарошлар, рассомлар юқори лавозимдаги одамлар ҳисобланган. Санъат – абадий ҳаётни бир авлоддан иккинчисига ўтказувчи восита деб қаралган. Фиръавнларнинг, худоларнинг ҳайкалларига санъатда кўпроқ эътибор берилган, мил. ол. XIX асргача Миср ҳайкалтарошлиги энг юқори чўққига кўтарилди. Бу санъат асарлари орасида фиръавн Эхнатон ва унинг хотини Нефертитининг ҳайкалчаси диққатга сазовор. Нефертити ҳам тож кийган ҳолда тасвирланган бўлиб, бир неча асрлар давомида Мисрнинг рамзий тасвири бўлган эди.

Ҳаммага маълумки, дунёнинг етти мўъжизасидан бири Миср пирамидаларидир. Бизга фиръавнлар Хеопс, Хефрон ва Микеронос давридаги пирамидалар етиб келган. Хеопс давридаги пирамида энг каттаси бўлиб, баландлиги 150 м.ни ташкил қилади.

Қадимги Миср бутун қадимги дунё, жумладан, юнон ва Рим цивилизациясининг шаклланишига ва тараққиётига таъсир кўрсатган. Биронта цивилизация – на қадимни Рим, на қадимги юнон, на қадимги Хитой цивилизацияси Миср цивилизацияси каби қадимий ва узоқ муддат давом этган эмас. Миср жамияти ва маданияти ҳеч қандай ўзгаришсиз *уч минг йил* давом этган.

Қадимги Юнонистон маданияти

Архаик давр маданияти

Архаик даврда юнон шаҳар - давлатлари шакллана бошлади, илмий тафаккур, шеърият ривожланди, фалсафа, театр пайдо бўлди, Юнон санъати тараққий қилди. Архаик даврда спорт ва мусиқавий - бадий ўйинлар пайдо бўлиб, юнонлар ўзларининг худоларига бағишладилар. Мил. ол. 776 йилдан бошлаб худо Зевсга бағишланган спорт мусобақалари одатга айланди. Бу ўйинлар *Олимпия ўйинлари* деб ном олди ва тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Худо Аполлон шарафига бағишлаб ўтказиладиган спорт ва мусиқа мусобақалари Пифий ўйинлари деб номланди. Бу мусобақа ҳам тўрт йилда бир марта ўтказиладиган бўлди.

Юнонистоннинг анча ривожланган вилояти Иония (Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоғида)да *натурфилософия* ривожланди. Материализм ва объектив қонуниятларни излаш бу фалсафий оқим учун характерли эди. *Фалес* (мил.ол. 624 – 546) ҳамма нарсаларнинг ибтидоси ва асоси сув деган бўлса, *Анаксимен* (тахминан мил.ол. 585– 525) - ҳаво, *Анаксимандр* (тахминан мил.ол. 611–546) - чексизлик, деб қараган эдилар.

Архаик даврдаги адабиётда эпик жанрлар етакчи роль ўйнади. Гомернинг “Илиада”си, “Одиссея”си (мил.ол. VIII асрнинг охири) бунинг намунасидир. Бу даврда яна Гесиод “Теогония” (яъни Худолар шажараси) ва “Меҳнат ва кунлар” дostonларини ёзди. Эзопнинг (мил.ол.VI аср) масаллари ҳам юнон маданияти тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Архитектура ҳам ривожланди. Геометрик жихатдан тўғри шаклдаги колонналар, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ривожланди. Айниқса, Коринфлик

кулоллар идишларга нақш солишни ўйлаб топдилар. Бу даврда архитектура ва ҳайкалтарошликнинг бирлаштирилгани диққатга сазовордир. Ибодатхоналар ташқи томондан бўртма нақшлар билан безатилган, ичкарасига эса худоларнинг ҳайкалчалари қўйилган.

Классик давр

Бу давр Перикл, Сукрот, Афлотун, Арасту, Демокрит, Эсхил, Софокл, Эврипид ва бошқа қатор алломаларнинг номлари билан боғлиқ. Бу даврда ҳайкалтарошлик ривожланиб, ҳайкалларнинг турли шакллари ва турлари яратилди. Мармар билан бирга бронзадан фойдаланиладиган бўлди.

Милoddан олдинги V аср ажойиб архитектура иншоотларига бой. Жамоат бинолари сифатида **ибодатхона** кўп қурилган эди. IV асрда Юнонистонда иқтисодий ва сиёсий таназзул кузатилади. Аммо маданиятнинг турли соҳалари ривожланиб бораверди. **Антик фалсафа** айна шу пайтда юксак чўққига етди. Учта файласуф - Сукрот, Афлотун ва Арасту антик фалсафани яратдилар.

Эллинистик давр

Александр Македонский босиб олган ерларда юнон маданияти тарқалган давр алоҳида босқич ҳисобланади. Бу даврдаги маданият эллинизм маданияти дейилади. Юнон ва маҳаллий маданиятнинг алоқалари ягона эллинистик маданият пайдо бўлишига ёрдам берди. Александр Македонский империяси йиқилгандан кейин ҳам алоҳида мустақил давлатларда эллинистик маданият сақланиб қолаверди (Миср, Салавкийлар давлати, Пергам давлати, Бактрия, Понтий шоҳлиги ва б.).

Бу даврда илмий билимлар тараққий қилди. Архимед (тахминан мил.ол. 287-212), Эвклид (тахминан 365-300), Аристарх Самосский (мил.ол.320-250)ларнинг кашфиётлари юзага келди. Илмий билимларнинг тараққиёти йиғилган ахборотларни системалаштиришни ва сақлашни талаб қиларди. Бир қатор шаҳарларда **кутубхоналар** барпо қилинди. Улардан энг каттаси -Александрияда ва Пергамда эди. Филологиянинг грамматика, матн танқиди, адабий танқид соҳалари ривожланди.

Қадимги Рим маданияти

Рим цивилизациясининг тараққиёти Рим шаҳрининг ўсишига олиб келди, мил.ол. III–I асрларда Рим шаҳри аҳолиси I миллиондан 1,5 миллионга етган эди.

Антик даврга оид Рим меъморчилигининг ноёб намуналари сифатида **Пантеон** (ҳамма худоларга бағишланган жой)ни кўрсатиш мумкин. Пантеон – ибодатхона бўлиб, империядаги кўплаб халқларнинг бирлиги ғоясини гавдалантирадиган барча худолар учун қурилган.

Амфитеатр (юнон. amphit – атроф ва theatron – театр) томоша учун (кўпинча гладиаторлар жанги учун) қурилган иншоот бўлиб, чўзиқ шаклдаги майдон бўлган ва атрофида томошабинлар учун зинапоялардан иборат ўриндиқлар жойлашган. **Колизей** энг машҳур амфитеатр бўлиб, 50 минг томошабинга мўлжалланган эди.

Рим, Александрия, Афина, Корфаген шаҳарлари илмий марказлар сифатида фаолият кўрсатган эди. I–II асрларда Римда географик билимларга, тиббиёт ва тарихга эътибор берилган. Страбоннинг (мил.ол. 64/ 63 – мил. 23/24 йиллар), Птоломей (I–II асрлар)нинг китоблари яратилди. Плиний (I аср) физик география, ботаника, зоология, минералогияни ўз ичига олган “Табиий тарих” қомусини ёзди. Тиббиёт ривожланди: Гален (129– 199 йиллар) нафас йўллари, бош миёна бўйича тажрибалар ўтказди, биринчи бўлиб одам аъзоларининг анатомик тузилишини берди. Врачлар тайёрлаш учун мактаблар очилди.

Милoddан олдинги III асрда юнонлар таъсири остида Рим адабиёти пайдо бўлди. Муаррихлар юнон тилида Рим йилномаларини ёздилар. Жумладан, Цицерон (мил.ол.106 – 43 йиллар) нинг публицистикаси Рим насрининг энг яхши намуналаридандир. Унинг 50 дан ортиқ нутқлари ва нотиклик назариясига оид ишлари сақланиб қолган. Цицероннинг ижоди Рим адабиётида “Олтин лотин даври”ни кашф қилди. Бу даврда насрнинг гўзал намуналари яратилди.

Рим театр санъати, ҳайкалтарошлик юнонларнинг таъсири остида ривожланди. Аммо материаллар театр санъатида Рим жамиятининг ҳаётидан олинди. Ҳайкалтарошликда ҳам бизгача етиб келганлари юнонлар таъсиридан ҳолидир. Ҳайкалтарошлар инсоннинг ички оламини кўрсатишга кўпроқ эътибор қаратганлар.

Хитой маданияти

Хитой маданиятидан қолган энг ноёб ёдгорлик — алифбодир. Хитой ёзуви “иероглиф” деб аталадиган белгилардан иборат бўлиб, 50 минг белгидан, яъни иероглифлардан иборат. “

Қоғоз билан бирга хитойликлар биринчи бўлиб чой, чинни, порох, соябон, музқаймоқ, ипак ва гугуртни ўйлаб топиб, дунё бўйлаб тарқалган. Беш минг йил илгари илк бор дунёда бетон қуйиш технологиясини ишлаб чиққанлар. Гансу вилоятидаги архитектура комплекси шундан далолат беради.

Само ибодатхонаси (1420 йилда қурилган) Пекиннинг ўзига хос рамзидир. Бу ибодатхона думалоқ шаклда қурилган бўлиб, уч қаватли томи бор. Аслида бу ибодатхона император сайр қиладиган ўрама парк бўлган эди. Ибодатхона пойдеворининг диаметри 30 метр, баландлиги 38 метр. Ибодатхонанинг яна бир диққатга сазовор томони шуки, девор акс садо беради ва бир томондан иккинчи томонигача овоз ёйилади.

Ғор ибодатхоналар ҳам Хитой архитектурасининг эътиборга лойиқ томонларидандир. Асосан, тоғларни ўйиб ғорларда барпо қилинган будда ибодатхоналари тарихи 1000 йилдан нарига бориб тақалади.

Конфуцийлик ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ. Конфуцийнинг (мил.ол. 551–479) бу таълимоти ғайритабиийликка асло алоқадор эмас. Шунинг учун конфуцийликни дунёвий таълимот деб атайдилар. Конфуций оила - қариндошлик алоқаларини ҳам давлат, ҳам диний нуқтаи назардан талқин қилди. “Давлат - битта оила, ҳукмдор, яъни Осмон ўғли бир пайтнинг ўзида халқнинг отаси ва онасидир”, деб баҳо берган эди.

Даосизм қадимги мифлар, халқ инонч - эътиқодлари, культларга асосланган эди. **Дао** - “йўл” деган маънони билдириб, унинг асосчиси лао Цзидир. У Конфуцийнинг замондоши бўлган эди.

Умуман, Хитой маданияти тарихи дунё маданияти тарихида муҳим рол ўйнади.

Ҳиндистон маданияти

Қадимги Ҳиндистон оламга “Моҳобҳорот”, “Рамаяна” каби эпик асарларни, Калидаса каби буюк ижодкорни, “Панчататра”ни берган. Қадимги Ҳиндистон математика, астрономия, тиббиёт соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Ҳозирги арифметикага асос бўлган сон тушунчасини ҳам ҳиндлар яратган.

Ҳиндистон мамлакати ва маданияти тарихи қуйидаги босқичларга бўлинади:

- Хоропп цивилизацияси,
- Веда даври,
- Маур даври,
- Гуптлар даври,
- Бобурийлар империяси,
- Замонавий тарих.

Византия маданияти

Византия давлати ҳудудида чорвачилик, қишлоқ хўжалиги ривожланди. Айниқса, антик даврдан қишлоқ хўжалиги асосларини ва ерга ишлов бериш, зайтун мойи ишлаб чиқариш, узумчиликни ўзлаштириб, катта иқтисодий кўрсаткичларга эришди.

Византия тарихининг илк даври дастлабки уч ярим асрни қамраб олади. Бу даврда Византия таркибига Рим империяси шарқий қисмидан ярми кирган эди.

Диний - фалсафий ва эстетик қадриятларни қайта баҳолаш Византиянинг маданий тараққиётига сезиларли таъсир қилди.

VIII-IX асрлардаги ғарбий Европа миниатюра санъати, девор суратларига ҳам юнон ва сурёний бутпарастларининг таъсири кучли бўлди. Бутпарастлар таъкибдан қочиб Европага кетганларида, ўзлари билан Константинополдаги халқ санъати анъаналарини ҳам олиб бордилар.

X асрдан бошлаб Византия маданияти тарихида янги босқич бошланди. Фанда эришилган билимлар, илоҳиёт, фалсафа, адабиётда эришилган натижалар умумлаштирилиб, тасниф қилинди. Табиий фанлар ўсди, одамларнинг Ер ва Коинот тўғрисидаги билимлари кенгайди.

Умуман, Византия маданиятининг турли босқичларида гоҳ шарқона, гоҳ ғарбона элементлар кузатилади. IX аср ўрталаригача Византия маданиятига Шарқнинг таъсири кучли бўлса, кейинги даврларда ғарбий Европа, айниқса, Италия маданиятига Византиянинг таъсири кучли бўлди. Византия маданияти Европанинг маънавий тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-17 жилдлар. -Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
3. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, Ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни).-Т.: 2000.
4. Абдуллаев М., Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма.-Т.: 2001.
5. Бобоев Х., Ҳамроев Т., Алимасов В. Маданиятшунослик. (Ўқув қўлланма).-Т.: "Янги аср авлоди", 2001.

Қўшимча

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Очиллдев А. Маданият фалсафаси.-Т.: Мухаррир, 2010.
3. Бойназаров Ф. Аник дунё тарихи.-Т.: Меҳнат, 1993.
4. Абдуллаев М. Маданиятшунослик асослари. Фарғона. 1997.
5. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Т., 1982.
6. Культура древнего Египта. –М.: 1986.
7. Саидов У. Шарқ ва Ғарб: Маданиятлар туташган мазиллар.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2008.
8. Олденбург С. Культура Индии. –М.: 1991.
9. Алимухамедов А. Антик адабиёт тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1976.
10. Фалсафа қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004.
11. Куманецкий К. Культура Древней Греции и Древнего Рима. –М.: 1990.
12. Левек П. Эллинистический мир. –М.: 1989.
13. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
14. Ғарб фалсафаси. (Тузувчи ва масъул мух. Қ.Назаров) -Т.: “Шарқ”, 2004.
15. Васильев Л. Проблемы генезиса китайской мысли. –М.: 1989.
16. Древние цивилизация. –М.: 1987.
17. Қорабоев У. Маданият масалалари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009.
18. Фалсафа қомусий луғат.-Т.: Шарқ, 2004.
19. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.-Т.: 2002.
20. Қадимги дунё тарихи. –Т.: Ўқитувчи., 2008.
21. Жўраев Нарзулла. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т.: “Маънавият”, 2008.
22. Ўзбекистон Республикаси энциклопедия. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.
23. Тайлор Э. Первобқтная культура.-М., 1992.
24. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
25. Древние цивилизации. М. 1989 г.
26. Хрестоматия по культурологии. (под редакцией А.А.Радугина) М.: "Центр" 1998 г.
27. WWW.moziy.dostlink.net.uz.
28. <http://www.pacademy.edu.b>.
29. www.google.uz.

5-мавзу. ДИНИЙ ВА ТЕХНОГЕН МАДАНИЯТ

Маъруза режаси

1. Ўрта асрларда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари маданиятларда диннинг устуворлиги.
2. Шарқ ва Ғарб диний маданиятининг ўзга хос хусусиятлари.
3. Жаҳон маданиятида диний маданиятнинг ўрни ва роли.

Ўрта асрларда феодал муносабатларнинг шаклланиши ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда кескин ўзгаришларни келтириб чиқарди. Айниқса

диний ақидаларнинг расман тус олиб, кўп худоиликдан якка худоилик - тавҳид ақидасига ўтиш жараёни инсониятнинг ҳаёт тарзини ўзгартирди. Библия, Талмуд, Қуръони Каримнинг пайдо бўлиши нафақат Шарқда, балки ғарбда ҳам тафаккурни ва ҳаёт тарзини жиддий ўзгартирди. Энди инсоният маълум тартибга солинган ҳаёт кечири бошлади.

Ўрта асрлар даврида якка худоиликка асосланган жаҳон динлари-христианлик ва ислом Европа. Осиё ва Африканинг кўп жойларида кўплаб кишилар учун дунёқарашнинг устивор шакли бўлиб, инсон ва бутун жамиятнинг тафаккурини, турмуш тарзини белгилади. Диний ақидалар асосида ўша даврнинг қиёфаси кишилар онгида шаклланиб маданиятнинг ўзига хос хусусиятларини белгилади.

Христианлик ёки масиҳийлик - дунёдаги кўп тарқалган ижтимоий, фалсафий, диний оқимлардан бири бўлиб, Библиянинг Янги Аҳд қисмига асосланади. Янги Аҳд (ёки «Хушхабар») Исо Масиҳ яратган таълимотдан иборатдир. Бу оқим дунёнинг ҳамма мамлакатларида учрайди. Аммо Европа, Америка, Австралия қитъаларида асосий давлат дини расмий мафкурадир.

Масиҳийлик таълимоти Шарқнинг маҳсули бўлса-да, Европа маданиятининг юзага келиши ва тараққиётида катта хизмат қилади. Шубҳасиз, Европанинг бой маданияти илдизлари антик давр фалсафасидан, ҳайкалтарошлигидан, архитектураси ва театридан озиқланган бўлса ҳам, Леонардо да-Винчи, Дона Тело, Жотто, Микеланжело, Рафаэл асарлари масиҳийлик тафаккури дурдоналаридир. Аммо Масиҳ таълимоти ўрта асрларда Европа адабиёти, Коперник ва Галилейнинг илмий кашфиётларига қарши курашди. Бу курашни Масиҳ таълимотининг бўлиниши маҳсули ва ўзига хос диний таълимотнинг “зўравонлик” сиёсати деб баҳолаш лозим. Бу фикримизни далиллаш учун масиҳийликнинг илк ўрта асрлардаги фаолиятдан бошлаб ўрта асрларгача бўлган тарихига эътибор қаратилса масала ойдинлашади.

Православ жамоаларининг католик жамоалардан фарқ қиладиган томонлари қуйидагилар. Православлар Учликни бошқача талқин қиладилар. Уларнинг қарашича, Муқаддас Рух фақат Ота - Худодан келиб чиқади, жаннат ва дўзах оралиғидаги Аросатни тан олмайди. Аросат - католикларга мансуб ақида. Индульгенция (бандаларнинг гуноҳи кечирилганлиги тўғрисида Рим Папаси томонидан бериладиган ёрлик) протестант жамоаларига татбиқ қилинмайди, ҳамиртурушли нон ва шароб тановул қилиш маросимини ўтказадилар. Православлар бу фарқларга, айниқса, 1054 йилда католиклар билан тамомила айрилганларидан кейин қатъий риоя қиладилар.

Бир сўз билан айтганда, асрлар давомида, ҳатто минг йиллар давомида турмуш ва ахлоқ мезонлари, маданий анъаналар, адабиёт яратиш - буларнинг ҳаммаси масиҳий жамоатларининг кучли таъсири остида шаклланди.

Исломий маданият. Масиҳийлик жамоатининг мавқеи Европа, Америка ва бошқа кўплаб қитъалардаги мамлакатларнинг ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий маданиятида қанчалик рол ўйнаган бўлса, ислом маданияти Шарқда шунчалик катта рол ўйнади. Ислом - дунёда монотеизмга, яъни

танҳо худоиликка асосланган учинчи ва охири диндир. Бу дин ҳам Яқин Шарқда пайдо бўлди.

Ислом фақат араб оламида эмас, балки Яқин Шарқ мамлакатларида, Эрон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Индонезия, Кавказ, Волга бўйлари, Болқон, Африканинг катта қисмига ёйилиб, бу халқларнинг тарихи ва маданиятида катта рол ўйнади.

Ислом, ўзидан олдинги динлар каби, ижтимоий қайта қуришга даъват қилмайди. Исломий маданиятнинг яна бир муҳим жиҳати шуки, ислом зулмни қаттиқ қоралайди, зулм куфрликдир: “Оллоҳ зулм қилувчи қавмни ҳидоят қилмайди” (Ол имрон, 86 - оят).

Ахлоқий қонун - қоидалар, жисмоний ва маънавий томондан пок ҳаёт кечиришга оид ўғитлар, нопоклик учун бериладиган жазо, маиший ҳаётнинг бошқа томонларига оид барча йўл - йўриқлар билан ислом ижтимоий ахлоқни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди. Ислом қадимий Шарқ, Юнонистон, Эрон, Туркистон ва қисман Ҳиндистону Чиннинг тафаккур маҳсулидан янги маданият юзага келтирди.

Ислом ва илмий билимлар ривожиди. Исломнинг ёйилиши ва Ўрта Осиёда мустаҳкам қарор топишида араб тили асосий ролни ўйнади. “Тарихда фавқуллодда бўлган ва биз Уйғониш деб атайдиган даврни яратган кучлар”³ худди шу даврда юзага келди. Уйғониш даврининг буюк намояндалари ўзларининг амалий фаолияти, тарих, фалсафа, мантиқ, шунингдек, аниқ фанлар соҳасидаги кашфиётлари билан Ўрта Осиё тарихида чуқур из қолдирдилар.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (780, Хива - 850, Бағдод). Бағдодга таклиф қилинган. Аввал халифа ал-Маъмун (813–833), сўнгра ал-Мутасим (833 - 842), ал-Восиқ (842 - 847) саройида ишлади. У Шарқнинг илк академияси - “Байт ул-ҳикма” (Донолар уйи)да фаол меҳнат қилди. Бу ерда унинг раҳбарлигида Аҳмад Фарғоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий каби Ўрта Осиёлик олимлар тардқиқотлар олиб борганлар. Хоразмий “Ал-жабр вал-муқобала”, “Китобу сурат ал-арз” каби асарлари билан математика, астрономия фанларининг асосчиларидан бўлди.

Тасаввуф ўрта асрлар ижтимоий ҳаётида катта куч бўлди. Бу оқимнинг шаклланишида аслида кундалик турмушдаги оддий ҳаётини воқеалар, тушунчалар ҳам муҳим рол ўйнаганини айтиб ўтишимизга тўғри келади. Ана шундай ҳаётини тушунчалардан бири - *мурувват*дир.

Футувват - тариқатнинг бир бўлаги, футувват асослари билан тасаввуф ғоялари бир-бирига мувофиқдир. Футувват ҳам, тасаввуф ҳам инсон ахлоқини поклаш, меҳру шафқат, ҳиммат ва мардлик кўрсатишни тарғиб этади.

Зоҳидлик тушунчаси ва ҳаракатини фақат ислом билан боғлаш бирёқламадир. Асли зоҳидлик Буддадан бошланган. Будданинг ҳаёти тўғрисидаги ривоят шундан далолат беради.

Будда - ҳақиқат нажоткори демакдир.

³ Н.Конрад. Алишер Навоий. — “Ўзбек тили ва адабиёти” журналы, 1969, 1–сон, 16–бет.

Зоҳидлардан кейинги давр сўфийлари тафаккурий–шуурий ривожланишни - дунёни ва илоҳни билишни, танишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Бу давр орифлик даври деб аталади.

Тасаввуф тарихи ислом тарихи билан бирга ривожланиб, ислом маданияти ва маърифатига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Дастлабки пайтларда Куфа, Басра ва Бағдод шаҳарларида санокли даражада зоҳид ва сўфийлар яшаган бўлсалар, бора–бора мусулмон оламида шайху машойихлар, сўфий давешлар, қаландарларнинг сони кўпайди, ўзига зос ҳаракатга айланди.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-17 жилдлар. -Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, Ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни). -Т.: 2000.
4. Абдуллаев М., Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: 2001.
5. Ахмедов Э.Габидулин Р. Культурология. Мировая культура. -Т., 2001.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Халқ сўзи, 19994 март.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998 й.
4. Ўзбек ҳақининг Ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг “Туркисто-пресс”нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси, 2007йил, 23 февраль.
5. Қуръони Карим. -Т.: “Чўлпон”, 1992.
6. Ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4 китоблар. -Т.: 1998.
7. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Т., 1982.
8. Комилов Н. Тасаввуф. 2-китоб. -Т.: Ғ.Ғулом ном. Адабиёт ва санъат, 1999.
9. Абдусамиев А.Э. Динлар тарихи. -Т.: 2004.
10. Ислом зиёси Ўзбегим сиймосида. -Т.: “Тошкент ислом университети” 2005 й.
11. Ислом маърифати. -Т.: “Тошкент ислом университети” 2005 й.
12. Инсон кўрки – одоб. -Т.: “Тошкент ислом университети” 2004 й.
13. Очиллдев А. Маданият фалсафаси. -Т.: Муҳаррир, 2010
14. Караматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. -Т.: Фан, 1993.
15. Фалсафа қомусий луғат. -Т.: Шарқ, 2004.
16. Қорабоев У. Маданият масалалари. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2009.
17. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т.: 2002.
18. Ўзбекистон Республикаси энциклопедия. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.
19. Жабборов И., Жабборов.С. Жаҳон динлар тарихи. -Т.: Ўзбекистон 2002.
20. Библиотека культуроведческой литературы на «Странах мира» - www.Countries.ru/library/.
21. WWW.moziy.dostlink.net.uz.
22. <http://www.pacademy.edu.b>.
23. www.google.uz.

8-Мавзу: Марказий Осиё халқларининг қадимги маданияти

1. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданиятининг ўзга хослиги.
2. Марказий Осиё ҳудудидаги илк давлатлар маданияти. (Юнон-Бақтрия, Суғд, Кушонлар).
3. Марказий Осиё халқлари яратган моддий ва маънавий бойликлар аҳамияти.

Марказий Осиё халқлари яратган маданият жаҳон маданияти тарихида муҳим ўрин тутди. Ўрта асрлардаги маданиятнинг турли соҳаларидаги ютуқларига бутун дунё алқачон муноси баҳоси берган. Марказий Осиё халқларининг қадимги маданият изларини ўзида мужассам этган Бақтрия, Марғиёна, Суғд, Парфия, Фарғона, Хоразм, Чоч халқлари маданиятини жиддий ўрганиш ўн йиллар илгари бошланган бўлсада, соҳа олимларини, тадқиқотчиларни, жаҳон аҳлини унинг ўзига хослиги ва бой мазмуни ҳайратда қолдирмоқда. Марказий Осиё халқлари яратувчилик фаолияти натижасида вужудга келган маданий бойликлар Ғарб ва Шарқнинг буюк маданият элементларини бир бутунликда уйғунлаштириб ифодалаган ҳолда ўзига хос идивудуаллик касб этадики, бу хусусият кейинги тараққиёт учун ҳам негиз бўлиб келган.

Марказий Осиё халқлари маданиятининг вужудга келиши шароитларини ҳисобга олишда ундаги мавжуд географик муҳитнинг ҳам ўрни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Марказий Осиёнинг Олтой, Жанубий Сибирь, Мўғулистон, Ўрта Осиё ҳудудларидаги ибтидоий яшаш тарзи деярли умумийдир. Ибтидоий инсоннинг бу ҳудудлардаги умумийлигини кўрсатувчи далиллар биринчи навбатда ҳаёт тарзига-овчилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачиликка асосланганидир.

Ғарбий Туркистоннинг Анов маданиятига оид топилмаларда, Қуйи Волга бўйларида, Ўрта Волга ҳудудида, Проховок қўрғонида ҳам мазкур ирқларга мансуб одамлар суяклари топилган. Шунингдек, доликосефал ирқининг Тангри тоғ ҳудудларига ҳам кириб боргани тўғрисида маълумотлар бор. Жанубий Қозоғистон билан Волга бўйларида мазкур ирқ бутунлай ёйилганини тасаввур қилиш мумкин. Биз ирққа оид мазкур қарашларни 40–50–йиллардаги археологик топилмалар асосида Туркистон ва Европа олимларининг асарларига таянган ҳолда айтаямиз⁴. Қолаверса, Амударё билан Сирдарё - бугунги Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимий инсонни Туроний ирққа мансуб деган қарашлар ҳам бор⁵. Умуман олганда, Ўрта Осиёнинггина эмас, балки бутун дунё халқларининг ибтидоий даври ҳар жиҳатдан, жумладан, маданий тараққиёти жиҳатидан ҳам энг кам ўрганилган давр ҳисобланади.

Меъморчилик. Ўзбекистоннинг азалдан ўтроқлашган аҳолиси меъморчилик, амалий ҳамда тасвирий санъат борасида кўп мерос қолдирди.

⁴ Бу қарашлар тўғрисида қаранг: Bahaeddin Ogal. Islamiyetten onca turk kultur tarihi. (Исломиётдан аввалги туркий маданият тарихи) Ankara, 1991, s. 6.

⁵ В.В. Гинзбург. Материаль и исследования по археологии, 15, 248–249–бетлар.

Биз юқорида Хоразмдаги Тупроққалъанинг маданий босқичи тўғрисида қисқа тўхталган эдик. Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари ҳам, худди Хоразмдаги Тупроққалъа сингари, қадимги давр меъморчилиги ва санъати тўғрисида тўлақонли маълумот беради. Жумладан, Термиздаги меъморчилик ёдгорликлари, тасвирий ва амалий санъат намуналари шундан далолат беради. Маданий жараённинг бу кўринишлари пайдо бўлишига, шубҳасиз, ижтимоий - сиёсий жараёнлар асосий сабаб бўлди.

Милоддан олдинги II асрда Юнон - Бактрия шоҳи Деметрий Амударё қирғоғида шаҳар барпо қилди.

Далварзин тепадаги Чағониён шаҳри ҳам меъморчилик жиҳатдан деярли кўхна Термиз шаҳрининг меъморчилигига ўхшайди.

Меъморчиликнинг ривож топиши натижасида қурилиш материаллари ҳам такомиллашди. Сўғд, Хоразм, Бактриядаги иншоотларда фойдаланилган квадрат шаклдаги ғишт қурилиш материалларининг такомиллашувига хизмат қилди ва меъморчилик янги босқичга кўтарилди.

Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидаги иншоотлар меъморчилиги ўзига хос. Айниқса, Хоразмдаги Қўйқирилган қалъадаги иншоотнинг (мил. ав. III аср) тузилиши диққатга сазовор. Бу иншоот думлоқ шаклда қурилган, 42 метрли цилиндр шаклидаги бино ўртада. Бинонинг биринчи қавати бутун сақланган. Тахминларга кўра, Қўйқирилган қалъа дафн одатлари билан ё фазовий жисмлар культини ўзида намоён этади ёки Хоразм шоҳларининг сулолалари култи билан боғлиқ муҳим сиёсий марказни гавдалантиради.

Тасвирий ва амалий санъат. Сопол идишларнинг сирти нақш билан безитилган ва қандайдир учи ўткир асбоб билан чизилган. Анов маданиятига мансуб идишларнинг аксарияти ё геометрик шаклда ёки тўлқинсимон чизик билан учбурчак ва тўртбурчак шаклда безатилган. Анов маданиятига оид муҳим топималардан бири, идишлардан ташқари, аёллар ҳайкалчалари, одам ва қуш бошли қаноти бор шер тасвирланган тош муҳрдир. Бу маданий қатламни Анов маданиятига қадимги халдей ва юнон маданиятининг таъсири, деб қаровчилар ҳам бор. Афросиёб девор суратидаги отлар ҳам қанотли шаклда тасвирланган.

Македониялик Искандар қўшинлари - эллинлар Ўрта Осиёни истило қилгандан кейин, бу ўлкада юнон маданиятининг изларини кўрамиз. Айниқса, Бактрия давлатида юнон маданияти кучли из қолдирди. Жумладан, будда ҳайкалларида юнон ҳайкалтарошлиги услубига хос унсурлар мавжуд. Мустаҳкам қалъалар ва шаҳарлар барпо қилишга Парфия давлати алоҳида эътибор берди.

Қадимий ёзма манбалар Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларида меъморчилик ёдгорликларидан ташқари, юксак бадиий ҳунармандчилик намуналари борлигини тасдиқлайди.

Юнон истилосидан кейин Ўзбекистон тупроғига эллинистик маданият таъсирлари кириб кела бошлади. Термиз, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда топилган тароқларда дубулға кийган жангчи тасвирланган. Тароқ тошдан ясалган.

Буддавийлик даври маданияти. Милодий I асрда Бактриянинг ўнг томонига буддавийлик кириб кела бошлади. Шу даврда буддавийлик эътиқодига алоқадор иншоотлар асосий ўрин эгаллади. ғорлардаги Будда ибодатхоналари Кўхна Термиздан, Қоратепадан ва Чингизтепадан топилган.

Кўхна Термиздан Будданинг ва бўлғуси Будда - Бўдисатванинг тошдан ясалган ҳайкалчалари топилган. Бу ҳайкалчаларнинг диққатга сазовор томони – юнон-бохтарий санъати услуби анъаналарини давом эттирганидир.

Буддавийликни тарғиб қилиш, омма орасида ёйишнинг муҳим усулларида бири сифатида ёзма матнлар, ривоятлар, афсоналар, шеърлар ҳам яратилди, санскрит тилидан қадимги туркий тилга асарлар таржима қилинди. Буддавийликни тарғиб қилишда бу усул амалий ва тасвирий санъат орқали ифодаланган ғояларни тўлдирди. “Олтин ёруқ” достони (IX аср) шулардан биридир.

“Авесто”даври маданияти. “Авесто“ Ўрта Осиё тарихидагина эмас, балки дунё маданияти тарихида муҳим воқеадир. “Авесто“ тўғрисида сўз кетганда, албатта, Зардушт шахси ва у яратган таълимот тўғрисида сўз кетади. Зардуштгача ҳам Авесто таълимоти бор эди. Лекин Зардуштнинг сайъ-харакати билан “Авесто” қудратли таълимотга айланади.

Зардуштийлик таълимоти - эзгулик ёвузлик, нур ва зулмат рухий кучлари ўртасидаги курашдан иборат эди. Зардуштийлик жамиятдаги мутаносибликни бузадиган номутаносибликка қарши кураш эди. Унда шахсий гигиенага, экологияга, чорвачиликка, деҳқончиликка оид тажрибавий фикрлар муҳим назарий ва амалий қийматга эга. Масалан, экувсиз қолиб ер - турмушга чиқмаган қизга, ишлов берилган ер-эрига тезроқ фарзанд ҳадия қиладиган келинчакка ўхшатилади. «Авесто»дан бизгача етиб келган маданий қадриятлар замонлар оша ўз ворисийлигини ва узлуксизлигини кўрсатди.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-17 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
3. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, Ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни).-Т.: 2000.
4. Абдуллаев М.,Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма.-Т.: 2001.
5. Ахмедова Э.Габидулин Р. Культурология. Мировая культура.-Т., 2001.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.,1998.
2. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. / Т.7. -Т.:Ўзбекистон,1999.
3. Президент И.А.Каримовнинг Самақанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”газетаси, 2007 йил 25 август.
4. Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т., 1995.
5. Маънавият юлдузлари. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мерос, 2001.
6. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Т., 1982.
7. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. –Т.: Ўз. Миллий энциклопедияси, 2006.
8. Очилдев А. Маданият фалсафаси.-Т.: Мухаррир, 2010

9. Ўзбекистон Республикаси энциклопедия.-Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.
10. Жумабоев Й. Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёт тарихидан-“Ўқтувчи”, 1997.
11. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1-жилд. Т., 1968.
12. Бойназаров Ф. Қадимги дунё тарихи. –Т.: “Мерос”, 2004.
13. Ўзбекистон Республикаси энциклопедия. -Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997.
14. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб.-Т.: 1997.
15. Фаробий. Фозил одамлар шахри.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мерос, 1993.
16. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т.: “Маънавият”. 2008.
17. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2004.
18. Шеров А. Хусанов Б., Умаров Э. Эстетика.-Т.: ЎЗМУ, 2008.
19. <http://ft/re/uz/djmaincatalog/jsp lahguaage=ru>.
20. [Билеотека ихтика –www/ihitk.lib.ru](http://www.ihitk.lib.ru).
21. Библиотека культуроведческой литературы на «Странах мира» - www.countries.ru/library
22. WWW.moziy.dostlink.net.uz.
23. <http://www.pacademy.edu.b>.
24. www.google.uz.

9 – Мавзу. Марказий Осиё халқларининг V-XIII асрлардаги ижтимоий, маданий ҳаёти. Шарқ уйғониш даври маданияти.

Маъруза режаси:

1. Қадимги Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётига оид маълумотлар Ўрхун – Энасой, қадимги Юнон ва Хитой манбаларида.
2. Турк хоқонлиги даври маданияти ва унинг ўзга хос хусусиятлари.
3. Шарқ уйғониш даври маданияти унинг асосий белгилари.

Марказий Осиё халқларининг V-XIII асрларга оид ижтимоий, маданий ҳаётига доир тарихий маълумотларни таҳлил этиш миллий маданиятимиз ривожланишининг ўзига хос муҳим жиҳатлари ёритиб беради. Унинг ўрганишда асосий мабалар қуйидагилардир:

1. Ўрхун – Энасой ёдгорликлари:
2. Юнон муаррихларининг асарлари.
3. Қадимги Хитой йилномалари.

Умуман, турк хоқонлиги давригача Марказий Осиё халқларининг ижтимоий, айниқса этник тарихи маданий ҳаёт учун замин ҳозирлади. Бизгача етиб келган тарихий манбалар – Бехустун ёзувида, Юнон, Рим тарихий асарлари, Хитой йилномаларида Марказий Осиё халқлари маданиятига оид маълумотлар мавжуд. Бу маданият Турк хоқонлиги давридаги маданий ҳаёт учун узлуксиз замин ҳозирланган. Айниқса, Фарғона водийси милоддан олдинги Ўрта Осиё маданияти тарихида муҳим рол ўйнаган. Милоддан аввалги 3–2 асрларга оид Фарғона топилмалари маданий жараённинг узлуксизлигини, айти пайтда шу даврдаги Хитой билан тарихий муносабатларни кўрсатадиган далиллардир. Хитой манбалари Фарғонанинг зотдор, ўша даврда “самовий” деб ном олган отлари тўғрисида маълумот беради. Ана шу тарихий маълумотларни Фарғона атрофларида тошларга чизилган от суратлари тасдиқлайди.

Милоддан олдинги даврларга оид маданий ёдгорликлар ер остидан топилган бўлса, Кўктурк хоқонлиги даврига оид манбаларнинг кўпи ер устида сақланиб қолган. Булар - йирик тошларга ёки қаттиқ жисмларга ўйилган ёзув ёдгорликлари, ҳайкаллар, қурбонгоҳлардир.

Кўктурк хоқонлигидан қолган ёдгорликларнинг энг диққатга сазовори битигтошлардир. Йирик ҳажмдаги ёдгорликлар - Кул тигин ва Билга хоқон ёдгорликлари асли қабр тошларидир. Тарихий маълумотларга қараганда, кўктурклар қабрлар устига иншоот қурганлар, иншоот деворларига марҳумларнинг суратларини чизганлар. Кўктурк хоқонлигига Чин хоқонининг саройидаги рассомлар келтирилгани ва улар марҳум Кул тигин ва Билга хоқон учун бир иншоот (*барақ*) қурганлари, уйнинг ич-тошини суратлар билан беаганлари тўғрисида Кул тигин битигтошида маълумот берилган. Аммо ҳозирга келиб ўша иншоотлар, яъни барақлар бутун қолмаган, фақат балбаллар қолган, холос. Баъзи Европа олимларининг фикрича, хоқонларнинг қабри бошқа ерда, битигтошлар бошқа ерда бўлган бўлиши мумкин. Бу фикрлар асосли. Кул тигин битигтоши топилган жойдан бир ярим километр шимолга томон балбаллар ўрнатилган. Балбаллар тутаган жойда Кул тигиннинг қабри ўрнатилган бўлиши мумкин.

Кўктуркларда йиғи, яъни аза маросими бўлган диққатга сазовор. Кул тигин битигтошида бир қанча халқлардан дафн маросимига вакиллар келгани айтилади. Аза халқнинг маданий савияси билан мутаносибдир. Бу ҳақда юнон манбалар яхши маълумот бера олади. II асрда юнон файласуфи Лукиан Самосат искиф қавмига мансуб Тўқсар билан юноний Муисип деган одамлар ўртасидаги суҳбатни келтиради.⁶

Қадимдаги икки халқ вакилининг суҳбатидан кўриниб турибдики, Марказий Осиёда марҳумларга атаб ўтказиладиган удумлар ва урф-одатлар фақат шу ҳудудга хос бўлгани учун ҳам юнонийлар бу удумларга изоҳ талаб қилганлар. Мана шу кичик лавҳанинг ўзиёқ кўк турклар давридаги удумлар ва инонч-эътиқодлар милодий II асрда Осиёнинг кўп ерларига маълум бўлганини ва ёйилганини кўрсатади.

Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослиги. Марказий Осиёнинг ғарбий ўлкаларидаги туркий қавмларнинг маданий ҳаёти шарқий ҳудуддаги ўлкалар ҳаёт тарзидан баъзи ўзгачаликларга эга эди. Ўрта Осиёдаги этник жараёнларнинг мураккаблиги маданий жараёнга ҳам таъсир этмай қолмади. Шунинг учун бу ҳудуддаги маданий жараёнда бошқа этник гуруҳларнинг маданий жараёни изларини ҳам кўрамыз. Фарғона водийси бу жиҳатдан алоҳида ўлка ҳисобланади.

М.ав. III–II асрларда Тангри тоғидан Фарғонага кўчиш бўлди. Кўчиб келган қавмларнинг катта қисми юзчжилар ва усунлар эди.

Усун давлати тўғрисида Хитой йилномаларидаги маълумотлар шуни кўрсатадики, Шарқда уларнинг ерлари хунларнинг ерларига туташ бўлган,

⁶ Иқтибос турк олими Абдуқодир Иноннинг *Tarih ve bugün Shamanizm* (Ankara, 1954, s.190-191) китобидан олинди.

шимоли–ғарбда Қангли давлати билан, ғарбда Довон давлати билан чегараланган.

Шунингдек, бошқа қабилалар Ўрта Осиёга кўчиши натижасида турли қавмлар маданиятининг бир–бирига қоришганини кўрамиз. Фарғона водийсидаги Исфара, Ширинчой, Тошкент яқинидаги Қовунчи маданияти шундан далолат беради. Тангри тоғларида илгаридан мавжуд бўлган маданият Фарғонада янги маданиятнинг юзага келишига сабаб бўлди, жумладан, ордамларнинг яшаш тарзида, деҳқончилик маданиятида, ишлаб чиқаришда ва ҳ. ларда ўзига хосликлар кузатилади. Одамларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, ясаган буюмлари шундан далолат беради.

Кўк турк хоқонлиги давридан бугунгача етиб келган энг энг ноёб маданий ёдгорлик ёзув маданиятидир Исфара, Андижон, Поп, Бухоро, Қува ва бошқа қатор ҳудудлардан топилган ёзув ёдгорликлари қадим Ўзбекистон халқининг азалдан салоҳиятли бўлганини кўрсатадиган аломатлардир⁷.

V-VII асрлар бошида Марказий Осиёда ижтимоий - сиёсий воқеалар. Милодий V ва VI асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий ва маданий ҳаёт учун юнон муаррихларининг асарларидан кўра, Хитой йилномаларидаги маълумотлар аҳамиятлироқ. Милоддан аввалги учинчи минг йилликда ва иккинчи минг йиллик бошларида ҳозирги Ўзбекистон ва Помир ҳудудларида Оқденгиз ирқига ўхшаш долихоцефал ирққа мансуб одамлар қолдиқлари. Фарғонанинг тош даврига оид маданиятида ва Тошкент яқинидаги Қовунчи маданиятида ҳам бу ирқ кузатилгани тўғрисида кузатишлар. Марказий Осиё маданиятининг ўзига хослиги. М.ав. III–II асрларда Тангри тоғидан Фарғонага кўчиш. Ёзув маданияти кўк турк хоқонлиги давридан бугунгача етиб келган энг энг ноёб маданий ёдгорлик.

Уйғониш – Шарқ ва ғарб халқларининг маданияти тарихида кескин бурилишлари даври. Ўрта Осиёдаги Уйғонишнинг уч босқичи. Ҳар бир босқичда Уйғонишнинг асосий белгилари. Алишер Навоий ва Уйғониш. “Хамса” достони Уйғонишнинг энг ёрқин маҳсули сифатида. Фарҳод образи – идеал инсон тасвири, Уйғониш даврининг идеали. Уйғониш даври достонлари қаҳрамонларининг романтик қиёфада тасвирланиши.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. I-17 жилдлар. -Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, Ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни). -Т.: 2000.
4. Абдуллаев М., Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: 2001.
5. Ахмедов Э.Габидулин Р. Культурология. Мировая культура. -Т., 2001.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. -Т., 1998.

⁷ Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Н. Раҳмонов, Б. Матбобоев. Ўзбекистоннинг кўҳна туркий–рун ёзувлари. - Тошкент, “Фан”, 2006.

2. Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. / Т.7. -Т.:Ўзбекистон,1999.
3. Президент И.А.Каримовнинг Самақанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. “Халқ сўзи”газетаси, 2007 йил 25 август.
4. Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи.-Т.: 2007.
5. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. Т., 1982.
6. Бўриев О., Холиков Д., Туркона анъана ва удумлар-миллат кўрки. –Т.: 1998.
7. Қорабоев У. Маданият масалалари. –Т.: Ўз.миллий энциклопедияси,2009.
8. Очилдев А. Маданият фалсафаси.-Т.: Муҳаррир, 2010
9. Ўзбекистон Республикаси энциклопедия.-Т.: Қомуслар Бош таҳририяти,1997.
10. Жумабоев Й.Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёт тарихидан “Ўқтувчи”,1997.
11. Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. 1-жилд. Т., 1968.
12. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. (тузучи Раҳмонов Н., Болтабоев Ҳ.) 1-жилд. "Фан", 2003.
13. Харуллаев М. Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти.-Т.: Фан, 1995.
14. Гафуров Ғ. Шарқ жавоҳирлари.-Т.: Фан, 2000
15. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти.-Т.: Фан,2003.
16. Фалсафа қомусий луғат.-Т.: Шарқ,2004.
17. Жўрайев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари.-Т.: “Маънавият”. 2008.
18. Маҳмудов Кошғарий. Девону луғотит турк.-Т.: 1963.
19. <http://ft/re/uz/djmaincatalog/jsp lahguage=ru>.
20. Билеотека ихтика –www.ihitik.lib.ru.
21. Библиотека культуроведческой литературы на «Странах мира» - www.countries.ru/library
22. WWW.moziy.dostlink.net.uz.
23. <http://www.pacademy.edu.b>.
24. www.google.uz.

10 – Мавзу. Амир Темур ва темурийлар даври маданияти (XIV асрнинг иккинчи ярми -XV аср)

Маъруза режаси:

1. Темур ва темурийлар давлатининг маданий-маиший тараққиётининг омиллари.
2. Темурийлар даврида меъморчилик, тасвирий санъат ва хаттотлик.
3. Темурийлар даврида илм-фан,адабиёт, фалсафа ва дин.
4. Темурийлар даври маданиятининг жаҳон маданиятида тутган ўрни.

Амир Темур ва темурийлар даври Ўрта Осиё маданияти тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу даврдаги маданий ютуқлар умумбашарий цивилизацияси (тамаддуни) даражасида бўлган.

Соҳибқирон даврида салтанатда жуда катта **ободончилик** ишлари олиб борилган. Ободончилик, суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши иқтисодий ҳаётда муҳим соҳа - хунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатди. Амир Темур ва Мирзо Улуғбек даврида тоғ-кон ишлари йўлга қўйди. **Хунармандчилик** катта эътибор туфайли шаҳарларда махсус гиламдўзлар, сандиқчилар, шишасозлар, эгарчилар, заргарлар маҳаллалари кўпайди, янги бозор расталари, тим ва тоқлар қурилди.

XIV - XV асрда металл буюмлар, уй-рўзгор буюмлари, асбоб-ускуна, курол-яроғлар кўплаб ишлаб чиқарилган. Самарқанд куролсозлик марказига айланиб, шаҳарда махсус совутсозлар маҳалласи вужудга келган. Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди эшиклари етти хил металл қотишма (хафтжўш)дан тайёрланган.

Темурийлар давлати Хитой, Тибет, Ҳиндистон, Эрон, Русия, Волга бўйи, Сибир билан мунтазам савдо-сотик алоқалари олиб борган. Темурийлар даврида карвон йўлларида элчилар, чопарлар ва савдо карвонлари учун дам олиш, отларни алмаштириш жойлари - ёмлар, работлар, сардобалар қурилган.

Ўрта Осиё заминида темурийлар даврида меъморчилик, илм-фан, адабиёт, санъат соҳалари камолот босқичига кўтарилди. Темурийлар давлатининг қудрати айниқса **меъморчилик**да намоён бўлди.

Мирзо Улуғбек даври меъморчилигида безакда кўп ранглилик ва нақшлар хилма-хиллиги кузатилади. Эпиграфик битик-китобаларни хаттотлик санъатини мукаммал эгаллаган усталар бинонинг махсус жойларига, олти хил ёзувда ёзганлар.

Бу даврда **масжид, мақбаралар** кўплаб қурилди. Амир Темур Ҳиндистон юришидан сўнг (1399 й.), Самарқандда жомеъ масжидини қурдирди. Унинг рўпарасида Бибиҳоним мадрасаси ва мақбара бунёд эттирди. Мирзо Улуғбек Бухоро жомеъ масжиди (Масжиди Калон)ни кенгайтириб, қайта қуриш ишларини бошлаган эди. Бироқ у кейинроқ XVI асрга келиб якуний қиёфасига эга бўлади.

Амир Темур даврида Сароймулкхоним (Бибиҳоним) мадрасаси ва Гўри Амир мажмуасидаги мадраса қурилган. Мирзо Улуғбек Самарқанд, Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар бунёд эттирди. Бухородаги мадрасада «Билим олмоққа интилиш - ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» деган ҳадис битилган.

XV асрда мадраса меъморчилиги ўзининг узил-кесил шаклланган қиёфасига эга бўлди. Амир Темур даврида тузилиши ва миқёси бўйича улкан иншоот - Туркистон шаҳрида Ахмад Яссавий мақбараси барпо қилинди. Самарқанддаги Улуғбек расадхонаси меъморий санъатнинг ноёб ёдгорлигидир.

Амир Темур ўн иккита боғ бунёд эттирган. Мирзо Улуғбек даврида Самарқанднинг Регистон майдони шаклланди.

Темурийлар даврида **тасвирий санъат** турли йўналишлар бўйича юксалди. Самарқанддаги темурийларнинг сарой, қароргоҳларида қабул маросими, жанг воқеалари, ов манзаралари, халқ байрамлари тасвири туширилган деворий суратлар бўлган.

Хаттотлик санъати тараққиётига XV асрда анъанавий куфий, насх, девоний хатлари билан бирга пештоқларни безовчи сулс ва тезкор-настаълик услублари ривожланди. Ноёб қўлёзма асарлар кўчириладиган махсус устахона китобатчиликнинг равнақиға ижобий таъсир кўрсатди.

Амир Темур даврида Самарқандда **миниатюра мактаби** ташкил топди, бу даврда етакчи рассом Хожа Абдулҳай Наққош эди. Ҳозир Туркия ва

Берлин кутубхоналарида сақланаётган кўчирилган хомаки миниатюра нусхалари XIV-XV асрларга оид. XV аср миниатюраларининг аксариятида Шарқ шеърятининг қаҳрамонлари Лайли ва Мажнун, Хусрав ва Ширин, Рустам, Искандар, Баҳром билан боғлиқ жанг лавҳалари тасвирланади. Самарқанддаги сарой мусаввирлари Хожа Абдулҳай Наққош ва унинг шогирдлари Шайх Маҳмуд Талилий, Пир Аҳмад Боғи Шамолий, Муҳаммад бин Маҳмудшоҳ ал - Ҳайём, Дарвеш Мансурлар ишлаган расмлар нозик, ранглар усталик билан қўлланган.

Халил Султон даврида ишланган айрим миниатюралар муҳим тарихий хужжат бўлиши билан бирга, бадий жихатдан ўзига хос «сиёҳи қалам» услубида ишлангани билан ажралиб туради. Ҳақиқий портрет жанрини Камолиддин Беҳзод шакллантирган.

Темурийлар даврида маданиятнинг юксалиши **бадий хунармандчилик**нинг турли шаклларида ҳам намоён бўлди. Уларнинг айримлари меъморчилик билан, баъзилари, кошинкорлик кулолчилиги, ёғоч ва тош ўймакорлиги билан ҳам боғлиқ эди.

Амир Темурнинг **илм-фан** ривожига ғамхўрлиги туфайли Самарқанд дунёнинг илмий - маърифий марказларидан бирига айланди. Соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан машҳур олимлар Самарқандда жам бўлган. Чунончи, Саййид Шариф Журжоний, Масъуд Тафтазоний, Жамшид Коший, Али Қушчи, Қозизода Румий, табиб Хусомиддин Кермоний, фалакиётшунос Мавлоно Аҳмад, шунингдек, Улуғбек даврида маҳаллий ва турли мамлакатлардан келган 200 дан ортиқ олимлар илмий ва ижодий фаолият кўрсатган. Темурийлар замонида табиий ва гуманитар фанлар соҳасида буюк олимлар етишиб чиқди ва улар жаҳон фани ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Фалакиётшунослик фанида Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчилар янги кашфиётлар қилди. Тарих илмида Ҳофиз Аббас, Шарафиддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий ва бошқалар қимматли асарлар яратдилар. Бадий ижод ва тилшуносликда Давлатшоҳ Самарқандий, Жомий, Алишер Навоий, Атоулло Ҳусайний, Воиз Кошифий сингари ижодкорлар юксак санъат асарлари билан машҳур бўлдилар.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда ўзига хос илмий академия шаклланди. Ер куррасини ўлчаш ва фалакиётшунослик жадвалларини тузиш ишлари амалга оширилди. Мирзо Улуғбек «Зижи жадиди Кўрагоний» асарида VIII-XI асрларда бошланган фалакиёт илмига оид анъанани давом эттириб, юқори даражага кўтаради. Математикага доир «Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола», фалакиётшуносликка оид «Рисолаи Улуғбек» ва мусиқа ҳақида «Мусиқа илми ҳақида рисола» каби асарлар ёзди. Булардан ташқари Улуғбек «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асар ҳам ёзган.

Бу даврда халқ оғзаки ижоди намуналари яратилди. **Адабиёт** бадий услуб жихатидан такомиллашди, адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарлар яратилди. Туркий тилда мумтоз «чигатой» адабиёти - ўзбек адабиёти вужудга келди.

XV асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётининг энг ривожланган даври бўлиб, бу юксаклик темурий Султон Ҳусайн Бойқаро ва ўзбек адабиётининг порлоқ қуёши Алишер Навоий номлари билан боғлиқдир.

Бу даврдаги маданий юксалишнинг умумий омилларини аниқлаш шуни кўрсатадики, улар ўзаро узвий боғланган ва яхлит бир бутун ҳолдагина қисқа вақт ичидаги маданий-маънавий юксакликни юзага келтира олган.

Булар сиёсий-ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ғоявий омил ва бошқалар халқлар билар маданий маданий алоқаларни кучайиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Бу даврда **тиббиёт илми** ҳам ўзининг йирик намоёндаларига эга эди. Самарқандга келиб ижод қилган табобат илмининг йирик вакилларида Бурҳониддин Нафис ибн Эваз ибн Ҳаким ал-Кирмоний, Султон Али Хуросоний, Ҳусайн Жарроҳ шулар жумласидандир.

XIV-XV асрларда Марказий Осиёда **мантиқ ва фалсафа фанлари** билан шуғунланган йирик олимлар пайдо бўлди. Тафтазоний ва Журжоний, Абдуҷаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунший, Абдулла Лисон, Бадриддин Аҳмад, Нуъмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол Хокий, Саккокий, Жомий, Лутфий, Навоий, Биноий, Амир Қосим Анвор ва бошқаларнинг бадиий асарлари бой фалсафий ва ахлоқий мазмунга эгадир.

Ҳозирги замон фани Амир Темур ва темурийлар даврини ҳақиқий Ренессанс – Уйғониш даври деб эътироф этмоқда. Зеро, бу даврда ўтмиш даврлар тажрибаларини ижодий ўзлаштиришга ва янгича ёндашувларга, олимлар, меъмор ва ҳунармандлар, миниатюрачи рассомлар, шоирлар, мусиқачилар, янги давр томоша санъати вакиллари олдида турган масалаларни ҳал этишда жиддий янгиликлар киритишга асосланган энг яхши анъаналар тикланди.

Мустақил Ўзбекистонда бу бой маданий меросни ўрганишга, унинг анъаналарини давом эттиришга давлат сиёсати даражасида эътибор берилмоқда.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-17 жилдлар. -Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
3. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, Ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни). -Т.: 2000.
4. Абдуллаев М., Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: 2001.
5. Ахмедов Э.Габидулин Р. Культурология. Мировая культура. -Т., 2001.

Қўшимча адабиётлар:

1. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Т.: Ўзбекитон, 1996.
2. Президент И.Каримовнинг Шаҳрисабзда А. Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзланган нутқи. “Халқ сўзи”, 1996 йил 18 октябрь.
3. Амир Темур сабоқлари “А. Темур ва инсон манфаатлари” мавзусидаги халқаро конфереция материаллари. - Т.: “Шарқ”, 1998.
4. Ғойибов Н. Амир Темур даври манавияти. -Т.: “ Адабиёт ва санъат”, 2001.
5. Ахмедов Б. Тарихдан сабоқлар. - Т.: “Ўқитувчи” 1994.

6. Қорабоев У. Маданият масалалари. –Т.: Ўз.миллий энциклопедияси,2009.
7. Қадимги Кеш-Шахрисабз тарихидан лавҳалар.-Т.: “Шарқ”,1998.
8. Темур тузуклари. -Т.:” Шарқ” 1996.
9. Ўзбекистон Республикаси энциклопедия.-Т.: Қомуслар Бош таҳририяти,1997.
10. Ҳерман Вамбери. Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи.-Т.: Адабиёт ва санъати,1990.
11. Ватаннинг даҳо халоскори. –Т.: “Мерос”,1996.
12. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони.-Т.: Адабиёт ва санъат,1981.
13. Темурнинг меъморий меъроси. -Т.: Ўзбекистон,1996.
14. Ҳайтметов А. Темурийлар даврида ўзбек адабиёти. -Т.: 1996.
15. Усмонов О.К. Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. Т., 1977.
16. Амир Темур ўғитлари-Т.: “Ўзбекистон”, 2007.
17. www.moziy.djstlik.net.UZ.
18. www.yunesko.natcom-ozg.uz.

11- Мавзу. Мустақиллик ва маданий тараққиёт Маъруза режаси:

1. Маънавий-маърифий ислохотлар жамият тараққиётининг устувор йўналиши.
2. Миллий мафкуранинг моҳияти, унинг шаклланишида маданиятнинг ўрни ва аҳамияти.
3. Миллий ўзликни англаш, маданий қадриятлар тикланиши – маънавият ривожининг муҳим шarti.
4. Ҳозирги босқичда маданий ҳаёт ва ютуқлари.

Мустақиллик даврида миллий адабиёт, санъат, театр ривож топди, маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги «Республикада мусиқий таълим, маданият ва санъат ўқув юртларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги, 1997 йил 8 февралдаги «Миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 февралдаги Қарори «Ўзбекнаво» ва «Ўзбекрақс» бирлашмаларининг моддий техник негизини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

1992 йили Тошкент шаҳрида танбур, сато, кўшнай, сурнай ва бошқа миллий соз ижрочиларининг «Асрларга тенгдош наволар» деб номланган республика кўрик танлови, Хоразм вилоятида эса, фольклор жамоаларининг, Қўқонда аския, қизикчи ва масхарабозларнинг IX анъанавий кўрик танлови, Тошкентда лапар, ялла ижрочиларининг XI анъанавий кўрик танлови миллий санъатимиз ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

1995 йил декабрда «Ўзбекистон - Ватаним маним» мавзуидаги кўшиқлар кўрик-танлови эълон қилинди. «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқ кўрик-танловининг 1996 йил март ойида бўлиб ўтган биринчи босқичида 54 мингдан ортиқ санъаткорлар иштирок этди, 10 мингдан ортиқ янги мусиқий асарлар яратилди. Буларнинг барчасини эътиборга олиб, 1996 йил августда «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўшиқ байрами ҳақида» махсус фармон қабул қилинди.

1998 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Театр санъатини ривожлантириш йўлида 1998 йил ноябрь ойида ўтказилган «Хумо» халқаро ёшлар театрларининг фестивали алоҳида аҳамият касб этди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги **маданий алоқалари** кенгайиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 декабрдаги «Республика музейларининг фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони 1999 йил 5 декабрда эса «Музейлар фаолиятини кўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши бу масалаларга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганлигини кўрсатади.

Президентнинг 1998 йил 12 январдаги Фармони эса музейлар ишида тубдан бурилиш ясади. Маданият ишлари вазирлиги қошида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди, ўзбек, инглиз, рус тилларида чоп этиладиган илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «Мозийдан садо» журнали таъсис этилди⁸.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 685 йиллиги муносабати билан «Баҳоуддин Нақшбанд тарихий музейи» қайта ташкил этилди.

Республикаimizдаги энг ёш **Ўзбекистон кино санъати музейи** 2005 йил 22 февралда очилди. Ҳозирги кунда музей жамғармасида 5000 дан ортиқ сурат ва негатив, ўтган асрнинг 20-50 йилларида суратга олинган 48 бадиий фильм сақланмоқда. Шулардан 5 таси ЮНЕСКО «Олтин жамғармаси» рўйхатига киритилган. Улар орасида «Тоҳир ва Зухра», «Алишер Навоий» каби машҳур тасмалар мавжуд.

Мустақиллик йилларида Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизга, Фарғона ал-Фарғоний, Андижонда З.М.Бобур, Хоразмда Ж.Мангуберди, Самарқанд ҳамда Нукусда М.Улуғбек, Термизда Алпомиш, Навоий шаҳрида ҳазрат А.Навоий каби буюк аждодларимизга бағишлаб ёдгорлик ва мажмуалар барпо этилди. 2006 йили Қарши шаҳрининг 2700, Маъмун академиясининг 1000 йиллиги тантаналари бўлиб ўтди. 2007 йилда Самарқанднинг шаҳрининг 2750, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги ЮНЕСКО билан ҳамкорликда кенг нишонланади.

Ҳунармандчилик ривожда янги давр бошланди. 1995йил 24-25 октябрда Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан амалий ҳамкорликда халқ усталари ва ҳунармандлари 1- Республика ярмаркаси ўтказилди.

Мустақиллик йилларида **тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш ишларига** катта эътибор берилмоқда.

⁸ «Гулистон», 1998, №2, 5-бет.

1992 йилдан Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр) ва Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳо) байрамининг биринчи кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Тошкент ислом университети очилди (1999).

2007 йил январда ИКТ таркибидаги муассасалардан бири-Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (АЙСЕКО) томонидан Тошкент шаҳрига “Ислом маданияти пойтахти”, деган ном берилди. Тошкентда Ҳазрати Имом мажмуаси бунёд этилди.

Ўзбекистонда 140 дан ортиқ миллий маданий марказлари фаолият юртки.

Ўзбек адабиёти тарихининг янги даври бошланди. шу даврда йирик бадий асарлар яратилди. Мустақиллик даври **драматургия**сида А.Темур, Бобур, Улуғбек ва Жалолиддин Мангуберди сингари давлат арбоблари образини яратишга алоҳида эътибор берилди. Кўплаб **комедия**лар падо бўлди. Х.Мухаммаднинг «Хотинлар гапидан чиққан ҳангома», Э.Хушвақтовнинг «Чимилдик», «Қаллиқ ўйин», «Андишали келин» кабилар.

Меъморлик. Ўзбекистон шаҳарлари, айниқса Тошкент қисқа муддат ичида меъморий жиҳатдан жуда ўзгариб кетди (Олий Мажлис, Оқсарой қароргоҳи, Тошкент ҳокимияти, Туркистон саройи, Миллий банк, Интерконтиненталь, Марказий меҳмонхона, Аквапарк ва б.). Касб-хунар коллежлари бинолари, сарой иншоотлари қурилишга катта эътибор қаратилди (Тошкентдаги Юнусобод теннис корти, «Жар спорт мажмуаси ва б.).

Ўзбек халқи тарихий хотирасини тиклаш йўлида муҳим меъморий тадбирлар амалга оширилди (Имом Бухорий мажмуаси, Аҳмад ал-Фарғонийга атаб Қува ва Фарғонада ҳайкал ва сайилгоҳ боғлар барпо этилди, Самарқандда Имом Матуридий меъморий ёдгорлиги тикланди ва бошқалар. Қадимги ёдгорликлар Самарқанд, Бухоро, Хива ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани соҳа мутахассислари олдида ниҳоятда маъсулиятли вазифаларни кўндаланг қўйган.

Мустақиллик йилларида анъанавий маданиятга эътибор кучайди. 1997 йил «Халқ бадий ҳунармандчиликларини ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб - қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори миллий маданиятни ривожлантиришда **амалий безак санъатининг** ривожланишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тасвирий санъатнинг турли соҳаларини ривожланишида 1997 йилда Ўзбекистон Бадий Академияси (БА)нинг ташкил этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Миллий Рассомлик ва дизайн институти, Республика бадий коллежи ва лицей-интернати, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистонда тасвирий ва амалий санъат ўқув юртларидан иборат тармоқ қужудга келди.

Шарқнинг буюк мусаввири Камолиддин Беҳзод таваллудининг 540 ва 550 йиллиги кенг нишонланди. Беҳзод номидаги музейга асос солинди. Рангтасвир соҳасида Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Алиқулов ва бошқа рассомлар ёрқин асарлар яратишди. Хайкалтарошлик соҳасида И.Жабборов, Р.Миртожиев, А.Раҳматуллаев ва бошқалар улуғ аجدодларимиз қиёфаларини акс эттирдилар.

Сўнгги йилларда қурилган бинолар – Ўзбекистон консерваторияси, Сенат, Ўзбек кийимлари музейини безашда рассомлар фаол иштирок этишди. Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси (2004), Қорақалпоғистон давлат санъат музейининг замонавий янги биноси қуриб битказилиши (2002), Самарқанддаги Регистон мажмуасида «Чорсу» картиналар галереясининг ташкил этилиши санъатнинг барча соҳаларига самарали таъсир этди, ижодий изланишлар доирасининг кенгайишига туртки бўлди.

Мустақиллик йилларида ўзбек **анъанавий мусиқа** санъати ривожига эътибор янада кучайди. Хусусан, шу даврда оилавий ансамбллар, фольклор-этнографик ансамбллар, тўй маросим кўшиқлари, катта ашула, бахши-шоирлар, мақом ижрочилиги бўйича кўрик-танловлар билан бирга «Алла» (1991 йилдан), «Шарқ тароналари» (1997 й. Самарқанд) М.Узоқов ва Ж.Султонов номидаги (1997 йилдан, Марғилон). Ўзбек театрлари ва санъаткорларининг дунё сахнасига чиқиши учун кенг йўл очилди. Миллий театримиз 1997 йил илк маротаба Қоҳира шаҳрида ўтадиган халқаро фестивалда ўзининг «Чимилдиқ» спектакли билан қатнашди.

Давлат театрлари асосан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан бошқарилади. Мустақиллик йилларида **кино ва телевидение** соҳада ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 й. 16 мартдаги фармонида кўра «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси «Ўзбеккино» Миллий агентлигига айлантирилди. 1992 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига айлантирилиши муносабати билан 4 та телеканал ташкил этилди. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йили 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Спорт» телеканали ташкил этилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатда **жисмоний тарбия ва спорт**ни ривожлантириш давлат аҳамиятига молик вазифа этиб белгиланди. 1998 йил 6 сентябрда Тошкентда 28 давлат вакиллари Кураш халқаро ассоциация (КХА)га асос солишди. 2005 йил унга 88 та мамлакат аъзо бўлган.

Ўзбекистонда ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида 3 бўғинли оммавий спорт мусобақалари ўтказилади.

Хуллас, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, маданий ҳаёт улкан суръатлар билан ривожланишда давом этмоқда.

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-17 жилдлар.-Т.: Ўзбекистон, 1996-2009.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.
3. Э.Гулметов, Т.Қобилжонова, Ш.Эрназаров, А. Маврулов. Маданиятшунослик (Маърузалар матни).-Т.: 2000.
4. Абдуллаев М., Умаров Э., Очилдиев А., Йўлдошов А., Абдуллаев А. Маданиятшунослик асослари. (Ўқ. қўл).-Т.: Турон-икбол, 2001.
5. Бобоев Х. Хамроев Т., Алимасов В. Маданиятшунослик.(Ўқув қўлланма)-Т.: “Янги авлод”, 2001.

Қўшимча абадиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққийтимизнинг муҳими омилидир. "XXI АСР " газетаси. 2010- йил 8 - декабрь.
2. Каримов И.А. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси. 2010 –йил, 3-сентябр.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохатларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепсияси. <http://www.press-seryice.uz/news/dokladi/> 12. 11. 2010.
4. Каримов И.А. Адабиётга эътибор-маънавиятга, келажакка эътибор.-Т.: Ўзбекистон, 2009.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.:” Шарқ”,1994.
6. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси.-Т.: “Шарқ”,1998.
7. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатларини акс эттириш.-Т.: Ўзбекистон, 2009.
8. Маданият ва жамият. -Т.: “Ўқитувчи”, 1993.
9. Махмудов Т. Нафосат ва маънавий қадриятлар.-Т.: 2001.
10. Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият.-Т.:“CHFSHMA PRINN”,2008.
11. Қорабоев У. Маданият масалалари. –Т.: Ўз.миллий энциклопедияси, 2009.
12. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.-Т.: “Шарқ”,2001.
13. Миллий истоклол ғояси. -Т.: “Академия”, 2005
14. Ўзбекистон маданияти ва тарихи. -Т.: “Ўқитувчи”, 1992.
15. Эркаев А. Маънавият миллат нишони. –Т.: ”Маънавият”, 1999.
16. Ўзбекистон санъати (1991-2001 йиллар). Т.: 2001.
17. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 2000.
18. Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Т.: “Шарқ”,2000.
19. Узбекистан и ЮНЕСКО – www.mfa.uz.
20. www.press-servise.uz., www.uz., www.literature.uz.
21. [www/google/uz-Ўзбекистон](http://www.google/uz-Ўзбекистон) излаш сайти.
22. <http://ft/re/uz/djmaincatalog/jsp> lahguage=ru.
23. [www/vlibrary/freent/uz-ўзбек](http://www.vlibrary/freent/uz-ўзбек) тилида “Виртуаль кутубхона” электрон дарслиги.

ГЛОССАРИЙ

Анимизм -(лот.anima-рух, жон)- кишилар, ҳайвонлар, предметлар ва ходисаларни гуё рух, жон бошқариб туришига ишониш. А. Ибтидоий диний тасаввурларнинг олий шаклидир. Бу атамани биринчи марта немис олими Шталь (1708) муомлага киритган.

Анахита- зардуштийлик динида ободончилик ва фаровонлик маъбудаси. Авестода илоҳа Анахита "Ардви Сура Анахита" тарзида ифода этилади. Бунда *Ардви*-ҳаётбах сув; *Сура*-кудратли, тошқин маъноларини англатади.

Антропология-(антропо...+юн.logos)-таълимот, тушунча) одамни келиб чиқиши, одамзод ирқларининг пайдо бўлиши, одамнинг тана тузилишидаги табиий фарқ-тафовут, ўзгарувчанлик ҳақидаги фан.

“Авесто” – мил. Ав. VII-VI а.ларда М.О. ҳудудида , Хоразм воҳасида яратилган ва “Авесто”, яъни “Ҳаёт йўриқномаси” деб номланган китоб; зардуштийлик динини шакллантиришга асос бўлган наз-й манбаларнинг умумий номи ва бу диннинг асосий китоби М.О. халқларининг қад.

даврлардаги моддий ва маънавий-ахлоқий ҳаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одат ва қадриятлари ҳақида маълумот беради.

Анъана (ар.)-наследан- наслга ўтувчи қоида) ҳаётда қарор топган (топаётган) удум, урф-одат вабошқа амалар.

Антик-(лот.antiguus-қадимги)- Қадимги Юнон (Греция) ёки Рим ижтимоий тузимида, маданиятида, санъатида оид ёки хослик.

Аксиология – қадриятлар ҳақидаги илм. У аксиологик онг, туйғу, аксиологик билиш ва ёндошувларда ифодаланади. Маданиятга аксиологик ёндошув уни қадриятлар меъёрида таҳлилни англатади.

Ақида (араб.-ишонч)-шак келтирмасдан, муҳокама қилмасдан бажариш. Ўзбекистон қилиш лозим бўлган илоҳий талаб.

Ахлоқий маданият-жамият, социум, индивудлар томонидан ахлоқий камолот меъёрларига эришиш даражаси.

Антрополок ёндошув - унгача фалсафага фақат космологик ёндошув ҳукмрон эди. Сукрот диққатни космос-фазога эмас, балки инсонга қаратди, инсонни амалий хатти-ҳаракати, ахлоқийлиги нуқтаи назаридан ўрганишга киришди. Сукрот ахлоқшунослик ва эстетиканинг, ахлоқ ва гўзалликнинг узвий алоқасини таъкидлаб кўрсатади. Унинг идеали-маънан ва жисман гўзал инсон. У инсонни санъатнинг асосий объекти сифатида олиб қарайди, санъатнинг эстетик ва ахлоқий меъзонлари масаласини ўртага ташлайди ҳамда шулар орқали ижодий жараёни очиқ беришга уринади.

Алишер Навоий- Жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси, машҳур шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоийнинг ижоди мана неча асрлар ўтса ҳам дунёни ларзага солиб келмоқда. Навоий ижоди бой бўлиб, асарлари турли мавзуларга бағишланган. “Ҳамса”, яъни “Ҳайратул аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Саъди Искандарий”, дostonлари ҳамда “Лисон ут-тайр”, “Мажолисун нафоис”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Мезон ул-афзон”, “Муҳокама ул-лугатайт” ва бошқалар. Навоий асарлари фалсафий фикрларга бой бўлиб, унда жамият ва инсон муносабати, инсоннинг бахт – саодати, комил инсон ва фозил жамоа, таълим – тарбия ҳақидаги фикр-ўйлари ўз ифодасини топган. “Маҳбуб ул-қулуб” Навоийнинг умри охирида (1500-1501) йилда ёзилган йирик насрий асаридир. У муаллифнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўпланган бой тажрибаси ва хулосаларининг йиғиндиси ҳисобланади. Навоий бу асарида болалигидан то қарилигигача кўрган билган воқеаларини ёритиб беришга ҳаракат қилади

Бадий ижод - адабиёт ва санъат феномени,илҳом билан боғлиқ маънавий ҳодисалардан бири,эстетик ижод шакли.У тарихий мазмунга эга бўлиб,санъат ва адабиёт турлари йўналишлари билан боғлиқ. Инсоният тараққиётининг турли давларида классицизм,романтизм,танқидий реализм,натурализм каби йўналишлар ҳамда шундай бадий ижод усуллари шаклланган ва ривож топган.

Биосфера (био..+юн.sphaira-шар)- Ернинг ҳаётга макон бўлган, тирик организмлар тарқалган жойи, қисми.

Вассал-(лот.vassalus< vassus-хизматкор). Бўйсундирлган, тобе, қарам.

Диний –бадий қонун - меъморчиликда ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, йирик масжид-жоменинг ташқи ва ички кўринишига эътибор қилайлик: кираверишдаги пештоқда Каломуллодан оятлар, бир ёнда мезона-минора, томда гумбаз, ҳовлида таҳорат учун ҳовуз, ичкарида диний ва дунёвий раҳбарларга аталган махсус жой-мақсура, фатволар ўқиладиган, ваъз айтиладиган минбар, қибла томонда меҳроб ва ҳоказо. Буларсиз жоме масжидни тасаввур қилиш қийин. Ёки насронийлар черковида меҳроб (алтарь), девор ва шифтларда Биби Марям, Исо алайҳиссаломнинг тасвирлари, гумбазлар, қўнғироқхона сингари унсурлар албатта бўлиши керак.

Диний –бадий асарда рамз -. Рамзнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у ўз мазмунига эмас, бутунлай бошқа мазмунни англатадиган шакл, ўз моҳиятини эмас, бутунлай бошқа моҳиятни ифодаладиган ҳодиса, қисқаси, бутунлай бошқа ботинни ифодоловчи зохирдир. Шу боис ҳам у сирли, яширин ҳодиса: уни муайян билимга эга бўлмай туриб англаш мумкин эмас.

Даочилик - ушбу йўналишининг муҳим белгиси, бу-фазо (космос) ва табиатнинг азалий ва абадий гўзаллиги; жамият ва инсон гўзаллиги даражаси эса ана шу борлиқ гўзаллигига қанчалик ўхшаш, яқин эканлиги билан белгиланади.

Гоминизация – нарс ва ҳодисалар келиб чиқиши, ривожланишининг бир хиллилиги. Маданият яратилиши, ривожланишидаги умумий манбаъ ва томирлар: инсон фаолияти, нутқнинг вужудга келиши в.б.

Гармония- (юн. Harmonia - алоқа, уйғунлик) - маълум тизим элементлари, таркибий қисмлари ривожланишининг муайян даврида ўзаро мувофиқ, мутаносиб,узвий боғлиқлик ва алоқадорлик ҳолатини англатувчи тушунча. Гармониянинг намоён бўлиш шакллари кўп. Масалан, фалсафада мазмун ва шакл,бутун ва бўлак, система ва элементлар ўртасидаги мутаносибликка нисбатан ишлатилади; мусиқа санъатида кўпчилик ижро этадиган кўшиқлар, хорлар уйғунликни билдирса, оилада эр ва хотин ўртасидаги бир бирига мослик, баҳамжиҳатлик ва тотувликни англатади, маънавиятда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик асосида қуриладиган барқарорлик ва инсоний муносабатлардаги ўзаро уйғунликни ифодалайди.

Гуманизм (лот. humanus – инсонийлик) – инсонга нисбатан юксак маънавият тамойиллари асосида муносабатда бўлиш, инсонпарварлик ғояси ва амалиёти.

Инкультурация—аввало ўз халқининг, кейин эса умуминсоний маданий меросга (аралашиниш) муносабатда бўлиш.

Индивидуализация- маднаият маълум шахслар қобиляти, иқтидори, хусусиятларини ўта ривожлантиришга мўлжалланган. Шахс маданияти қолган барча маданиятлар доирасида-энг асосий бўғин бўлиб, бу ҳар бир аниқ шахс маданиятининг баркамоллик даражасига жамият ёки бутун инсоният маданияти боғлиқ бўлишини билдиради.

Интеграция-(лот.integratio-тиклаш, қайтадан баҳолаш, тўлдириш).2. Фанларнинг яқинлашиши ва ўзаро боғланиш жараёни.

Икона -(юн-тасвир, образ)-худолар, авлиё ва б.ғайритабиий мавжудотлар расмлари, рельефли тасвирлар. Улар диний сиғиниш предметлари ҳисобланган. И. Католицизм, православие, буддизм, ламаизмда тарқалган.

Илоҳиёт-(а). Худо ва дин ақидалари ҳақидаги диний таълимотлар мажмуи; теология

Иқтисодий маданият- иқтисодий билимлар ва фикрлар услуби билан фаол ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик омилларини намоён бўлиши. Иқтисодий маданият мазмунида маданият ва иқтисоднинг ўзаро таъсир хусусиятлари мавжуд бўлиб, таркибига иқтисодий онг, иқтисодий фаолият, иқтисодий муносабатлар киради.

Интеллигент – билимлилик, ижтимоий табақа сифатида асосан ақлий меҳнат билан шуғулланадиган ходимлар.

Идеал - Диний-бадий жанрда ўзига хос тарзда талқин этилади. Умуман олганда, идеални маълум маънода, антиқа ҳолат-парадокс дейиш мумкин: унда бор нарса йўқ нарсанинг мезони билан ўлчанади, яъни мавжуд нарсага ёки ҳодисага ўша пайтда мавжуд бўлмаган нарса ёки воқелик талаблари билан ёндашилади. Масалан, ахлоқий идеални олайлик. У, шубҳасиз, инсонни келажакда эришилиши лозим бўлган ахлоқий юксакликка, яъни олдинга чорлайди. Лекин унинг учун ўтмишдаги ахлоқий қиёфа хизмат қилади. Бунинг устига, диний-бадий идеал ҳаётий идеалдан кескин фарқ қилади-у ҳеч қачон ўзгармайди: ҳеч қачон биз учун - Муҳаммад алайҳисаломдан, насронийлар учун - ҳазрати Исодан, яҳудийлар учун - ҳазрати Мусодан ўзга иккинчи пайғамбар пайдо бўлмайди.

Каста-(португ.casta-ирқ, қавм, табақа)-муайян касб б-н шуғулланадиган, ўзга хос турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари тартиб-қоидалари билан ўзгалардан ажралиб турадиган ва алоҳида яшайдиган ижтимоий гуруҳ. К.га мансублик насл-насбга қараб белгиланади. Никоҳда ҳам куёв ёки келин фақат шу гуруҳ ичидан танланади. Касб, ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос қолдирилган. К.тизими поғона- иерархия тартибида, кишиларнинг муқаррар тенгсизлиги, олий ва паст табақаларга бўлиниш асосида қурилган бўлиб, шу нуқтаи назардан қуйи К.га мансуб одамлар "хор" ва "ҳазар қилинадиганлар" ҳисобланган. К.ларга бўлиниш дин(брахманизм, ҳиндуизм) томонидан муққадаслаштирилган.

Коммуникатив функция (алоқа, маълумот алмашув)-моҳиятни аниқлашда ўзаро билимлар, фикрлар, маънавий кучларни алмашлаш.

Комил инсон - “камол”, “к.” сўзлари арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “ҳар жиҳатдан тўқислик, мукаммалик, етуклик” деган маъноларни англатади “комил”, “камол”, “к.” сўзларининг луғавий маъноларидан, уларнинг ҳозирги кундаги маънавий ҳаётни, эҳтиёжни, муносабат ва манфаатларни акс эттиришларига қараб, к. бу-шунчаки комилликка эришиш, камол топиш эмас, балки узок давом этган таълим-тарбия, олинган билим, шаклланган ақл, содир этилаётган ахлоқий ҳатти- ҳаракатларни шакллантиришнинг бир-

бирини тўлдириб боровчи бир неча босқичлардан иборат бўлган жараёнлар тизимидир, деб баҳолаш мумкин. Комил инсон ғоясини амалга оширишнинг энг мақбул йўли шахсни маънавий жиҳатдан камол топтиришдир. Замонавий комил инсон концепциясига асосан у-юксак маънавий соҳиби бўлган комил шахсдир. “Комил” арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида “к.га эришган, бекаму-кўст, тўла даражада” деган маънони англатса, к. йўли зиддиятларга машшаққатларга, ютуқларга бой бўлган, элим деб, юртим деб, меҳнат қилиш, заҳмат чекиш натижасида мукаммалликка, олижаноб инсоний фазилатларга эга бўлиш йўлидир.

Маънавий маданият-инсоннинг ақли ва маънан яратувчанлик фаолиятлари ва уларнинг натижалари киради. Маънавий маданият фан, фалсафа, санъат, адабиёт, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маориф, маърифат ва ҳоказолар йиғиндисидан ташкил топадиган инсоннинг ташқи ва ички маънавияти, руҳияти оламидир.

Маданият – инсон фаолияти асосида яратиладиган моддий-маънавий бойликлар. У ижтимоий ҳодиса сифатида ҳар бир жамиятда ўзига хос бўлади. Унинг ривожланиши авлодларни бир – бири билан боғлайди, тараққиётни ворислиги, узлуксизлигини таъминлайди;

Менталитет – муаян, жамият, миллат, шахснинг тарихан таркиб топган тафаккур даражаси, таҳлил муҳофазаси, ақлий салоҳияти. У миллий анъана, расм - русум, урф – одатлар, эътиқодда гавдаланади;

Модернизм -(фр.modernisme)-19аср охири ва 20-асрда АҚШ ва Европа санъати ва адабиётида реализмга қарши бўлган, анъанавий шакллар ва эстетикани инкор қилувчи оқимларнинг умумий номи. Ўзбекистон санъати-модернизмнинг иллати таъсиридан холи бўлган соғлом санъатдир.

Маданият фалсафаси- маданиятдаги мураккаб ва кўпмақсадли жараёнларни таҳлил қилишда ёндошувнинг энг умумий тамойилларини намоён қилиб, қиёсий таҳлил, таснифлашга асосланади. Маданиятни фалсафий англаш, фалсафий асослаш билан боғлиқ материалистик, позитивистик, объектив идеалистик ва бошқа кўплаб қарашлар мавжуд.

Маданиятнинг тузилиш шакли (морфологияси)-инсонга боғлиқ бўлмаган ва жамиятда мустақил мавжуд бўлган маданиятнинг ўзига хос шакли унинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Маданият ривож жамиятнинг ички қонунларига ўзаро боғлиқдир, деб ҳисобловчи маданият морфологияси таққослаш, таҳлил ва бошқа услублар асосида маданият ривожланишининг манбаи ва омилларини очишга уринади. Унинг мавжудлик даври у ёки бу маданиятнинг пайдо бўлишидан то иқирозигачадир.

Маданият социологияси- бирон бир жамиятдаги мавжуд маданиятнинг аниқ жараёнларини ўрганиш билан шуғулланади; бу ҳар хил социологик ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган маданият жараёнини эмприк (тажриба) тадқиқ қилишда маълум маданият шароитда кишиларнинг ўзаро муносабатларида, социомаданият тоифаларида намоён бўлади.

Маданият тарихи- ҳар бир маданиятни ноёб ва асл ҳодиса сифатида ўрганади; шунингдек, турли маданиятларни ўзаро таққослайди, уларнинг

ўзаро муносабати ва ўзаро таъсири, замон ва макондаги уларнинг фарқларини маданий тараққиётидаги ўзга хос ва умумий томонларни тадқиқ этади.

Маданият экологияси-замонавий инсон фаолиятининг барча соҳаларини: инсоннинг индивидуал ҳаётини, жамият ҳаёти, табиат билан ўзаро муносабатларини қамраб олади. Бу маданиятшунослик тадқиқотидаги энгш янги фаол ривожланаётган соҳалардан бири.

Миллий ўзликни англаш-жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг асосини ташкил этади. М. ў. а. ҳам халқнинг маънавий камолот даражаси билан боғлиқ. Миллий ўзлигини тўла-тўқис ва тўғри англаш имконига эга бўлиш учун инсон юксак маънавият соҳиби бўлиши лозим. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, миллий ўзлигини, манфаатларини, тараққиёти истиқболини чуқур, ҳар тарафлама ҳолисона, одилонга англаган халқгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олади.”Ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятларга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишга миллий ўзликни англаш,-деб аталади”.

Мифологик тафаккур- архаик босқичга хос бўлиб, кишиларнинг содда дунёқараши ўзида ифодайди. М.т.да инсон ўзини табиатни бир бўлгаги ҳис қилиш, табиат объектларига инсоний хусусиятлар ва хоссаларни киритиш; тафаккурда субъект ва объект, моддий ва идеал, фазо ва вақт тушунчалари ва бошқаларни бир-биридан ажратмай тасаввур этиш; абстракт тушунчаларнинг суст ривожланиши ва кучли элементар ҳиссий идрок қилиш, табиат билан маданиятнинг, яъни табиий ҳодисалар билан одам яратган буюмларнинг фарқ қилмаслик кабилардир. М.т.да эмоционал-интуитив асос устунлик қилади. М.т. диний мифология, философия, фольклорни келиб чиқишида муҳим рол ўйнаган.

Миллий онг-баркамол миллий маънавиятнинг маҳсули сифатида етук юзага келади. Шунинг учун ҳам м. о. миллий маънавиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. “М. о. оддий ҳис, туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, ҳуқуқий, илмий, мафкуравий кадриятларга асосланган эътиқоддир”⁹ М. о. шаклланган эътиқодлар, мақсад ва манфаатлар тизими, миллий ўз-ўзини англаш эса шу тизимнинг шаклланиш жараёнидир. М. о.нинг мазмуни ва моҳияти ҳам миллатнинг ўз-ўзини англаш даражасига боғлиқ.. Бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти, миллий хусусиятлари ва манфаатларига ҳолисона баҳо бера олиши учун миллат, авваламбор ўз-ўзини англамоғи, тарихи, келажаги, манфаатларини чуқур тушуниб етмоғи лозим. Чунки ўзлигини чуқур англаб, миллий онги камол топаётган миллатгина бошқа миллатларни ҳам тўғри англаш, уларни Миллий ҳолисона баҳолаш имкониятига эга бўлади.

Миллий кадриятлар-ҳар бир миллатнинг келиб чиқиши, ривожланиши, тенглар ичида тенг бўлиб яшаши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий фаолияти билан боғлиқ бўлган такрорланмас, нисбатан турғун, барқарорлик касб этиб ўзлигини англатиб,

⁹ Юсупов.Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., Унивеситет. 1998. 165-б.

намоён этиб, ниҳоятда кадрланадиган, инсонда ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотадиган ахлоқий фазилатлардир. Булар миллатимизнинг руҳиятига сингиб кетган ахлоқий-маънавий фазилатлардир. Ўзбек халқининг ҳозирги м. а. қ.и тизимига дўстлик, ўртоқлик, меҳмондўстлик, одамгарчилик, инсонпарварлик, ахлоқий теранлик, тадбиркорлик ва чаққонлик, уқувчанлик, сахийлик, хушмуомалалик, жамоатчилик ичида ўзини тута билиш, кўпчилик билан мулоқотда бўлишга интилиш,, ҳаёлилик, сизлаб муомала қилиш, озодаоик, хушчақчақлик, хушфеъллик,мардлик, назокатлилик, самимийлик, зийраклик, лутф карамлилик, рўзғорпарварлик, шинавандалик, ширинсўзлик, ташаббускорлик, она юрти ва халқига муҳаббат, инсофлилик, диёнатлилик,ростгўйлик, ҳалоллик, ор-номуслилик, тўғрилиқ, режалилик, поклик, сабр андишалилик, вазминлик, ҳожатбарорлик, юмшоқкўнгиллик, ота-онани ва катталарни ҳурмат қилиш, андишалилик, меҳнатсеварлик, ўтмишга ҳурмат,, инсофлилик, иймонлилик, миллий ғурур, мустақилликни кадрлаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминаллик сингари фазилатлар киради. Бу қаторни яна чексиз давом эттириш мумкин.

Маданий мерос- аجدодлар томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар дунёси бўлиб, ўз даври учун аҳамиятли бўлиш баробарида замонлар оша ўз кадр-қимматни йўқотмаган, балки сифат жиҳатидан янги аҳамият касб этиб келган миллий ва умумбашарий бойликлар йиғиндиси.

Оммавий маданият – маданиятнингмураккаб, ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. бугунги кунда оммавий маданият маданий мафкуравий тазийқнинг энг хавфли қуролларига айланган. истеъмолчилик кайфияти ўзагини ташкил этган оммавий маданият, асл кишилиқ маданиятига зид, уни поймол этадиган, моҳиятини бузадиган ва охир оқибат инсонни жон сақлашдан ўзга мақсади бўлмаган, жонзот, ҳайвон даражасига туширадиган, халқни оломонга айлантирадиган ҳодиса.

Рационализм-(фр. rationalisme) < лот. Rationalis-ақлга, ақл-идроққа асосланган) *флс.*Ақлни ҳақиқий билишнинг асосий, ҳал қилувчи манба деб ҳисобловчи фалсафий йўналиш.

Ригведа - «Веда»-муқаддас билим, «Ригведа»-алқовлар ведаси демақдир. «Ригведа» ўша давр кишисининг ўзи ва атроф муҳит: маъбудлар, иблислар, девлар, фазо, ижтимоий турмуш ахлоқий ва эстетик қадриятлар ҳақидаги билимларни ўз ичига олади.

Социализация – инсон томонидан жамият ҳаёти учун зарур бўлган ижтимоий талаб ва меъёрларни ўзлаштирилиши. Шахсни ижтимоийлашуви;

Сиёсий маданият-кишиларнинг сиёсий онги, манфаатлари, эътиқодлари, мақсадларини ифодаловчи сиёсий-ҳуқуқий ғоялар мажмуи бўлиб, маънавий қадриятларнинг махсус тизимини ташкил қилади.

Санъат - ижтимоий онг ва инсон фаолиятининг ўзига хос шакли. Санъат инсон меҳнати,ақл идроки, шуури билан яратилган ижод маҳсулотидир. Санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъдоди намоён бўлади. Санъат инсоният маънавий маданиятининг таркибий қисми, дунёни маънавий англашнинг махсус туридир. Санъат тушунчаси кенг маънода, бадиий қадриятлар,уларни яратиш ва истеъмол жараёнларини қамраб олади.

Санъат ҳозирги даврга қадар инсоният тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Санъатнинг қуйидаги икки тури фарқланади, амалий ва бадиий, амалий санъат турларига кулолчилик, наққошлик, каштачилик каби соҳалар кирса, бадиий санъат турларига рассомлик, мусиқа, ҳайкалтарошлик, кино, театр, бадиий адабиёт мансуб. Шунингдек, ифодали ва тасвирий санъат турлари фарқланади. Мусиқа- ифодали, рассомлик- тасвирий санъат турларига киради.

Санъат фалсафаси - санъат бу фаннинг ягона тадқиқот объекти эмас. Ҳозирги пайтда техника эстетикаси ва унинг амалиётдаги соҳаси дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиатдаги нафосат борасидаги муаммолар билан ҳам шу фанмиз шуғулланади. Демак, унинг қамровини санъатнинг ўзи билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Санъатни билиш табиати- Арасту у билишнинг ўзига хос тури эканини таъкидлайди ва бу билан устози Афлотунга раддия билдиради. «Биринчи муаллим»нинг фикрига кўра, бадиий асарнинг мазмуни аниқ-равшан унда акс эттирилган воқеа-ҳодиса эса билиб олиниши осон бўлиши керак, худди ҳаётдагидек идрок қилиниши лозим. Бироқ, бадиий идрок этиш учун эстетик масофа зарур. Ана шу масофа туфайли бадиий реаллик мухтор тарзда, амалий ҳаётдагига айнан бўлмаган тарзда идрок этилади. Бундай масофа бадиий тил, мусиқий композиция в. ҳ. воситасида яратилади. Бошқача айтганда, бадиият оламининг ўз замони, ўз макони, ўз тили мавжуд. Фақат ундаги ўзига хос мантиқ ҳақиқий ҳаёт мантиқини акс эттириши лозим. Шу боис бадиий асар инсон томонидан қандайдир қалбга яқин, таниш ҳодиса сифатида идрок этилади ва масофа туфайли идрок этувчида мушоҳада қилиш эрки сақланиб қолади.

Сигнификатив функция (белгилаш, рўйхатга олиш):- шакл ва мазмунига, сифат белгиларига қараб ном бериш воситасида дунёнинг қиёфасида воқеликни белги тизимини яратиш.

Техника (юн.technike-моҳир, уста -techni-санъат, маҳорат)-Жамиятнинг инсон фаолиятидаги ишлаб чиқариш жараёнларини амалга оширувчи ва ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун хизмат қилувчи воситалар йиғиндиси. Илғор техника. Техникадан унумли фойдаланмоқ. Техника фанлари.

Тотемизм (алконгин тилида "тотем"- мансублик, тарқалганлик, унинг уруғи каби маъноларни ифодалайди.)-ибтидоий жамиятнинг илк динларидан бири. У кишиларнинг маълум гуруҳи билан ҳайвон ва ўсимликларнинг муаян турлари ўртасидаги алоқа, қон-қардошлик бор, деган эътиқодга асосланади. "Т." Иборасини ингилиз саёҳатчиси ДЖ. Лонг томонидан 1791 йилда илмий муомалага киритилган.

Тасаввуф - Тасаввуфнинг асосий моҳияти инсон ва унинг Худога муносабатидир, яъни солиҳнинг Худо васлига етишишидир. Худо васлига етишишнинг 4 босқичи бўлиб, булар шариат, тарикат, маърифат ва ҳақиқатдир. Суфий ана шу босқичларни босиб ўтиб ҳақиқатга, Худо васлига етишиши мумкин. Умуман олганда тасаввуф руҳий покланиш бўлиб, унинг назарий ва амалий томонлари мавжуддир. Унинг назарий томони

таркидунёчилик, яъни аскетизм, мистицизм ва пантеизмдан иборат. Унда Худо васлига етишиш марказий ўринни эгаллайди.

Тасаввуфнинг амалий томони солихнинг хулқ-одоб қоидаларини бажаришда, энг аввало, Аллоҳга содиқ бўлишда, ҳеч кимга ёмонликни раво кхрмасликда, касб-хунар орқали ҳаёт кечиришда, ўзгаларга ёрдам беришда, сахий ва сабр-қаноатли бўлишда, Тасаввуфнинг қоидаларини сидқидилдан бажаришда намоён бўлади.

“Темур тузуклари” - “Темур тузуклари”-Амир Темурга нисбат бериладиган, тарихий-сиёсий рисола. Ушбу асар 14-15-асрлар тарихига оид қимматли манба бўлиб, унинг биринчи қисмида Амир Темурнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолияти ҳақида гап борса, иккинчи қисмида эса, унинг давлатни бошқариш, мамлакатни идора қилиш услублари ҳақидаги тузуклари, яъни йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари, панд-насихатлари ўрин олган.

Амир Темур салтанатни бошқаришда 12 та қоидага асосланади. Давлатни бошқаришда у ислом дини ва шариатга, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табақа ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, қилган хизматига қараб, уларни ҳурматини жойига қўяди. Соҳибқирон мамлакатни бошқаришда, энг аввало, олиму-фузало, саййидлар, шайхлар ва фозилларга таянади. “Темур тузуклар”ида ахлоққа оид қимматли фикрлар баён қилинган. Унда дўстлик, вафодорлик, инсоф, адолат, иймон ва эътиқод, илм-маърифат, касб-хунар ва бошқа инсоний фазилатларга риоя қилиш тўғрисида фикр юритилади. Айниқса, ҳалоллик, тўғрилиқ, адолатлилик, кечиримлилик, хушхулқлик, одоблилик каби атоқли инсоний фазилатлар ва уларга риоя қилишнинг ўн икки йўл-йўриқлари ҳақидаги панд-насихатлари жуда муҳим.

Уйғониш даври- Шарқда (9-12 ва 15 асрлар) ва Ғарбий Европада (14-16 асрлар) юз берган алоҳида маданий ва тафаккурий тараққиёт даври; фан, адабиёт ва санъат тараққиётида ҳамда улуғ кашфиёт ва ихтироларда ўз аксини топган ва антик маданиятга қизиқиш кучайган давр.

Упанишад - сўзи тўғридан-тўғри «давра», «давра олмоқ» (устоз атрофида) демакдир. Лекин унинг иккинчи ботиний маъноси - «сирли билим», «яширин билим». Упанишадлар ведаларга бориб тақаладиган, уларнинг сирларини тушунтирадиган диний-фалсафий табиатга эга таълимотдир. Айнан милодгача бўлган VII асрларда вужудга кела бошлаган ана шу упанишадларда қадимги ҳиндларнинг эстетик тасаввур ва қарашлари шаклланган. Упанишадлардаги нафосатли тасаввурлар ҳам ахлоқий қарашлар билан мустаҳкам боғлиқ.

Фетишизм-(фр.Fetishisme-тилсим, бут)-табиатдаги нарса ва ходисаларга эътиқод қилувчи диний тасаввурлар мажмуи.

Философия-(юн.phileo- севаман ва Sophia донишмандлик)- у табиат ва жамият ҳақидаги энг умумий билимлар тизими бўлиб, оламни билишнинг махсус шакли. "Ф." атамаси илк марта Пифагор томонидан қўлланилган, лекин Ф.Ни назарий билимнинг алоҳида бир соҳаси сифатида ажратишга уринган биринчи файласуф Платон эди.

Феномен – кўзга ташланиб турган аниқ ҳолат ёхуд. Кам учрайдиган ҳодиса. Ўзига хослик. Маданиятдаги феномен – бетакрорликдир.

Шиц-зин («Қўшиқлар китоби») - У қадимги Хитой халқи тарихини кўпгина тарихий, этнографик ва бошқа ёдгорликларга нисбатан тўлароқ, чуқурроқ акс эттиради, десак янглишмаймиз. «Шицзин» 305 шеърӣ асарни ўз ичига олади. Улар тўрт қисмга бўлинган: «Гофун» («Салтанатлар одатлари»), «Сяо я» («Кичик қасидалар»), «Да я» («Улкан қасидалар») ва «Сун» («Алқовлар»), «Шицзин»даги шеърӣ асарлар асосан халқ оғзаки ижодининг ёзиб олинган вариантларидир, тўғрироғи мусиқага солинган шеърлардир. Агар қадимда мусиқа ва рақс бир-биридан ажралиб чиқмаганини назарда тутсак, бу ёдгорликда ҳам сўз санъати, ҳам мусиқа санъати, ҳам рақс санъати руҳини, унсурларини кўриш мумкин.

Шахс маънавияти-бу ҳар бир кишининг ўзини инсоният фарзанди, муайян миллат вакили, давлат фуқароси деб билган ҳолда ўз Ватани тупроғини, сувини, ҳавосини ва жамики бойликларини кўз қорачиғидай асрашлари, унинг озодлиғи-ободлиғи, равнақи, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, иззатини жойига қўйиш йўлида чин виждон, иймон, эътиқод, садоқат, ишонч, ҳалоллик, довбюраклик, беғаразлик, ҳурмат, катта фидойилик ва ақлий теранлик билан фаолият олиб боришга қаратилган ички руҳий ва ақлий оламининг мажмуидир.

Шахсий қадриятлар -ҳар бир кишининг умргузаронлик даврида ниҳоятда қадрлаб қатъий амал қилган ҳолда содир этадиган ахлоқий ҳатти-ҳаракатларининг яққол ифодаси бўлган инсоний фазилатларига айтилади. Масалан, ўзгаларнинг мушкулотини осон қилиш мақсадида беғараз содир этилган ахлоқий ҳатти ҳаракат, яъни яхши сўз, маслаҳат, насиҳат ёки моддий ёрдам тарзида берилган пул, буюм ва ҳоказолар шаклидаги- яхшилик. Ш. а. қ. умуминсоний ва миллий ахлоқий қадриятларнинг шахсий даражада намоён бўлишидир, яъни уларнинг ташувчиси, ижодкори шахсдир. Дарҳақиқат, уларнинг заминида ахлоқий қадриятлар ётадики, шахснинг маънавий камолоти ана шу қадриятларнинг шаклланганлик даражасига боғлиқдир.

Эстетик маданият - (юн.aisthikos - ҳиссий идрок, сезги) 1) воқеликни ҳиссий таъсирчан,эмоционал ўзлаштириш; 2)эстетик фаолият қонуниятлари тўғрисидаги фан, нафосатлик эстетикага оид дастлабки таълимотлар милoddан аввалги 2-3 минг йил муқаддам Қадимий Миср, Ҳиндистон, Хитойда Афлотун, Арасту, римлик Лукреций, Гораций сингари мутафаккирларнинг асарларида ҳар томонлама ривожланди. Марказий Осиёда ҳам ўзига хос эстетик ғоялар вужудга келди. Тасаввуфона қарашлар кенг ёйилди. Ўрта асрлар Европасида Августин, Фома Аквинскийнинг фикрлари кенг ёйилди.Немис мутаффакирларидан Лессинг, Гердер, Гёте, Шиллер санъатда ҳаққонийлик ғоясини илгари сурдилар. XVIII аср ўрталарида немис маърифатпарвари Александр Баумгартен (1714-1762) эстетикани алоҳида фан деб ҳисоблади.ва унинг санъатда ёрқин намоён бўлишини кўрсатди. Эстетик фан сифатида эстетик тафаккур тарихи, эстетиканинг методологик муаммолари ва эстетик тарбия масалаларини ўз ичига олади. Эстетика миллий истиқлол ғояси, социология, санъатшунослик,

психология, педогогика каби фанлар билан узвий боғланган. *Эстетик маданият-инсоннинг маънавий ҳиссий фаолияти билан боғланган муносабат ва кадриятлар тизимини ифодалайди.*

Эътиқод — (ишонч, иймон) — муайян мақсад, кадриятга ишонч, шу асосда шаклланган тафаккур. Илмий-фал-ий адабиётларда Э. тушунчаси турлича изоҳланмоқда. Билим Э.ни вужудга келиши учун энг муҳим асос вазифасини бажаради. Лекин, Э. ва билим бири иккинчисига уйқаш тушунчалар эмас. Турган гапки, билимларнинг чинлиги Э.ни мустаҳкам бўлишида, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Аммо, Э.ни мустаҳкам бўлишида билим ягона асос деб бўлмайди. Инсон онгида қайта ишлаб чиқилган, яъни тажриба чиғириғидан ўтган, иккинчи марта қайта ҳосил бўлган билимларгина (ғоялар, наз-ялар) Э.ни мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Экология -грекча- "Oikos" сўзидан олинган бўлиб, "Яшаш жойи", "Озиқланиш макони" деган маънони ағлатади. Бу сўзни биринчи марта фанга киритган олим немис зоологи Э.Геккелдир. Олим ўзининг "Организмларнинг умумий морфологияси" (1866) ва "Дунёнинг вужудга келишининг табиий тарихи" (1868) каби асарларда бу атаманининг маъносини кенгроқ яратишга биринчи марта уриниб кўради. Ҳозирги замон экологияси табиатдан самарали фойдаланишнинг илмий услубларини яратмоқда. Табиат билан жамият ўртасидаги ўро муносабатларнинг стратегиясини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга тадбиқ этмоқда.